# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

18 (964)-сон
6 — 12 май 2010 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz


ДАРАХТ ИЛДИЗИ, ИНСОН ФАРЗАНДИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР



3

4



КИТОБХОН МОМО

БЕГОНА «ОТА»



6

12



ҚАЛБ ОЙНАСИГА ГАРД ЮҚМАСИН

ИЗҚУВАР БУРГУТ

14



# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Илҳом ЖУМАНОВ сурат-лавҳаси

Кўчқор отани гапга солиш, кўрган-билганларини ҳикоя қилиб беришга кўндириш осон эмас. Лекин содда, кўнгилчан ва юз-кўзларидан нур ёғилиб турадиган бу отахоннинг юрагида ХОТИРА аталмиш буюк бир туйғу яширинган десак, ишонаверинг.

— 1942 йили — айни қирчиллама 19 ёшимда урушга жўнаб кетганман. Эҳ-ҳе, у маҳаллаларни эслашнинг ўзи даҳшат, болам. Қанчадан-қанча навқирон ўзбек йигитлари фашистларга қарши тенгсиз жангларда қурбон бўлиб кетди. Шуларни эсласам... →2→

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Эртакка айланган кунлар 2

Саховат уйида уйғонган ишонч 2

Буни умр дерлар... 4

Иш билганга минг танга 7

Теледастурлар 8–9

Боласини ҳақоратлаб... эркалатган она 11

Томоқ билан ҳазиллашманг 11

Тиланчилар ишчилардан бой яшайдими? 14

Футбол оламининг пакана «юлдуз»лари 14

Куёвимнинг иккинчи хотини бор экан 16


## КЕЧА:

➔ 3 май куни пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

➔ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 май куни Оқсаройда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди

➔ Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида шу йилнинг 14—26 август кунлари Сингапурда ўтказиладиган I Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи ўсмирлар ўртасида якунланган жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этган боксчиларимиздан А.Мамажонов(69 кг.) ва С. Бегалиев(81 кг.)лар кумуш, З. Хурбоев(48 кг.) эса бронза медаллари соҳиби бўлишди. Шундай қилиб ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида саккизинчи, медаллар сони бўйича иккинчи ўринни эгаллашди.

## БУГУН:

➔ Париж шаҳрида буюк аллома Абу Али ибн Сино таваллудининг 1030 йиллигига бағишланган "Ибн Сино (Авиценна) бугун: илм ва фалсафа" мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

## ЭРТАГА:

➔ Қадим Хива шаҳрида «Фонд форум» ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Асрлар садоси" маданият фестивали дастурига киритилган тадбирлар бошланади.

# У КУНЛАР ЭНДИ ЭРТАККА АЙЛАНДИ

*(Боши биринчи бетда)*

Овози ҳазинлашади отанинг. Ҳар доим бобосининг ёнидан жилмайдиган уч яшар Иззатилла **(суратда, 35-невара, кенжа ўғли Равшанбекнинг ўғилчаси)** рўмолча олиб секингина Қўчқор отанинг кўз ёшларини артиб қўяди. Бола-да, жуда ўрганиб қолгани учунми, ҳар хил саволлар бераверади.

— 1942 йилда урушга кетган бўлсам, 1949 йилда Тошкентга қайтиб келганман. ТИНЧЛИК деган улуғ сўз, ишонасизми, бизлар учун ўшанда ҳатто НОНдан-да азизроқ, қимматроқ эди!



Дастурхон устидаги нонларни кўзларига суртади ота. Кейин эса ичида неларнидир такрорлайди ва юзларига фотиҳа тортиб қўяди: "Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Хорлик, зорлик кўрманглар"...Ёру дўстлари, жигаргўшалари, бевақт қазо қилган икки фарзанди ва ўтган ҳафтада бир умр суянчиғи бўлиб яшаган турмуш ўртоғи Саида аяни хотирлайди.

— Йўқ, сиз мендан кўрган кунларим, тортган азоб-уқубатларим ҳақида сўраманг, шарт эмас. Яхшиси, Оллоҳнинг каромати билан ўз она юртим Ўзбекистонга қайтиб келиб, бу жаннатмонанд тупроқда отабувам кўрмаган замонлар нашидасини қандай сураётганимни айтайин. Фақат 9 майда эмас, ҳар доим ёшу қари, таниш-бегоналар йўқлаб келишади, совға-саломлар беришади. Куни кечамиди, Собиржон болам, Умида келин, сизлар айтинглар, бир тўп одамлар ҳовлимизга келиб, Президентимизнинг биз каби фахрийларга берган медаллари, совғаларини топшириб кетишди-я!

Менга ўхшаган уруш кўрган кексаларни, қарияларни эслаб, эъзозлаганликлари учун Юртбошимизга мингдан минг раҳматлар айтаман. Илоё, халқимизни бошига омон бўлсинлар!

Отанинг кўзлари яна ёшланди. Бироқ бу энди Қўчқор отанинг чин юракдан тўлқинланиб дуо қилаётган лаҳзаларда тўкаётган севинч, қувонч кўз ёшлари эди. Фарзандларининг айтишларича, отахон бир умр темир йўл соҳасида ҳалол меҳнат қилибди. "Худога шукр, отам уруш ва ундан кейинги оғир кунларни кўрганлари учунми, ҳар доим ҳалол ризқ-насибагина татишини қайта-қайта айтишдан чарчамайди,— дейди Собиржон. — Баъзан китоб ёки киноларда ўқиган, кўрган воқеалар ҳақида сўрасак, уруш тафсилотлари ҳақида деярли эслагиси келмайди, аксинча, бугунги ёруғ кунларни қадрлаш, мустақиллик йилларида Тошкентда қурилган муҳташам биноларни, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарлардаги бутунлай қайтадан тикланган қадимий обида, зиёратгоҳларни таърифлаб кетади...

Дарвоқе, бу йил роппа-роса 87 баҳорни қаршилаган, пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Ғайратий маҳалласидаги Жумамачит кўчаси 6-уйда умргузаронлик қилаётган Қўчқор ота Адиевнинг ҳаётий ҳикоялари ҳали давом этади. Ўзлари айтганидек, "Уруш ҳақидаги хотиралар энди эртакка, афсонага айлансин. Тинчликнинг қадрига етинглар"...

**Норқобил ЖАЛИЛ**

# БУГУН ТАЛАБА, ЭРТАГА ЭСА...

**Тинч ва аҳил бир оила соҳиби, бекаси бўлмоққа тайёрмисиз? Тошкент давлат шарқшунослик институтида уюштирилган тадбирда шу ҳақда баҳс-мунозара юритилди**

* *"Неча ёшдан турмуш қурган маъқул?"*
* *"Қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатлари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?"*
* *"Оила муқаддас тушунча эканлиги боис турмуш қуришга сира шошилмайман. Аввал ишга кираман, имконим етса, уй олиб, кейин уйланмоқчиман..."*
* *"Куёв ҳам, келин ҳам касб-ҳунарли ва албатта ўқиган бўлса яхши..."*



Ушбу қизиқарли савол ва жавоблар Марказий Осиёда ягона дея эътироф этилаётган мазкур институтнинг "Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги" факультети деканати ташаббуси билан "Мустаҳкам оила — давлатимиз таянчи" деб номланган мавзусида уюштирилган учрашувда муҳокама қилинди. Албатта, Талабалар уйидаги бу галги давра суҳбатида иштирок этган "Оила ва жамият" газетаси ижодкорлари Тамара Хуммаматова ва Нигора Раҳмоновалар талаба ёшларни қизиқтираётган ва ўз навбатида уларни ўйлантираётган саволлар юзасидан атрофлича маълумот бердилар.

— Институтимизда турли хил долзарб мавзуларда, шу жумладан, "Баркамол авлод йили" муносабати билан ҳам талаба ёшлар иштирокида қизиқарли тадбирлар ўтказяпмиз,— **дейди институт хотин-қизлар қўмитаси раиси, фалсафа фанлари номзоди Дилдора ПЎЛАТОВА.** — Чунки ҳаёт давом этаяпти, бугунги талаба эртага албатта ўз олдида турган жиддий синовларга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриб бориши шарт. Шундай экан, бу жонли мулоқотни ўтказишдан кўзлаган мақсадимиз, вояга етаётган ҳар бир йигит-қиз Оила аталмиш муқаддас қўрғоннинг сир-синоатлари ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўлиши керак.

Мазкур факультетнинг маънавият ишлари бўйича декан ўринбосари Авазбек Муҳсинов бундай юзма-юз мулоқотлар талабаларнинг маънавий дунёсини янада бойитишга ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаган бўлса, институт катта ўқитувчиси Жамила Ҳасанова бугунги авлод ҳам ўзига хос ҳаёт синовларидан ўтаётганини ва айни пайтда давлатимиз томонидан уларга яратиб берилаётган барча шарт-шароитларга жавобан бу ишончни улар ҳар тарафлама оқлаши кераклигини билдирди.

Қизиқарли ва самимий руҳда кечган суҳбат чин маънода бадиий-маърифий тадбирга айланди.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА**

# 24 СОАТЛИК ХИЗМАТ

Тошкент вилояти ҳудуди республикада энг йирик ва аҳоли сони жиҳатидан ҳам олдинги ўринларда туради. Табиийки, бу жараёнда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси катта ўрин тутади. Шу маънода 90 мингдан кўпроқ аҳоли яшаётган Бекобод шаҳридаги тез тиббий ёрдам хизмати ўтган йил якунлари бўйича вилоят миқёсида энг фаол жамоа сифатида эътироф этилганлиги бежиз эмас.

— Ҳар қандай шароитда, кечаю-кундуз — 24 соат мобайнида биринчи гуруҳ хизмати, яъни юрак хасталиклари билан боғлиқ беморлар учун махсус жиҳозланган "Тез ёрдам"(XYUNDAY) машинаси ажратилган,**— дейди Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Бахтиёр Ярлақабов.** —Иккинчи гуруҳ бўйича эса улар болаларга кўмакка шошилишади. Тажрибали мутахассис Муҳаббат Маматқулова раҳбарлик қилаётган мазкур бўлимда ўз соҳасининг фидойилари халқимизга беминнат хизмат кўрсатишяпти. Шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон металлургия комбинати ҳомийлигида замонавий услубда таъмирлаб берилган масканда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратиб берилган.



Таъкидлаш жоизки, биринчи тез ёрдам машиналари 49 хилдан ортиқ дори-дармонлар билан таъминланган. Биргина мисол: ўтган йили 4804 та чақирувдан 1946 тасида беморларга етарли даражада тиббий ёрдам кўрсатилганлиги учун улар шифохонага келтирилмаган.

**Турдиқул НОРМАТОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Тошкент вилояти.**

# ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



## МЕҲР ҚОЛУР...

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Тошкент вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорликда Оҳангарон шаҳрида жойлашган «Саховат» қариялар уйида «Доимо қалбимиздасиз» деб номланган мавзуда учрашув ташкил этилди. Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари тайёрлаган бадиий дастурлар намойиш этилди. Қарияларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

— Саховат уйида 200 нафар қариялар бор. Улардан олтмиш нафари ётоқ ҳолатида, яъни ҳаракатланишолмайди. Ногирон бўлса-да ўзини ўзи эплаб юра оладиганлари аравачалар билан таъминланган, — **дейди Саховат уйи директори Раҳима АҲРОРОВА.** — Кексаларимиз тўлиқ давлат қарамоғига олинган. Тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Уларни зериктирмаслик учун турли маданий тадбирлар ўтказиб турамиз. Навбати билан дам олиш оромгоҳларига юборамиз. Айрим отахонлар Хонобод маҳалласига чиқиб, тўй-маъракаларда ҳам қатнашиб туришади. Қолаверса, деҳқончилик билан шуғулланадиган кексаларимиз ҳам бор. Улар шу ҳудудга турли гуллар, дарахтлар экиб, парваришлашади.

Шу ўринда бир мулоҳазамни ҳам айтайми? Айрим фарзандлар ота-оналарини бу ёққа оғир аҳволда олиб келиб ташлаб кетишади. Беш-олти ойдан сўнг, қўнғироқ қилиб, улар умид узган нуронийларнинг тузалиб кетганини эшитиб, ҳайрон қолишади. Умидсизликка тушган кексалар бу ерга келиб, мурувватли ходимларнинг беминнат ғамхўрлиги туфайли ҳаётга, одамларга бўлган ишончи қайта тикланади.

Тадбир давомида отахону онахонлар ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва эъзоз учун ҳукуматимизга самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## БИР БОЛАГА УЧ КИТОБ

Республика болалар кутубхонасида «Баркамол авлод йили»га бағишланган «XXI асрда болалар китобхонлиги» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, болалар шоир ва ёзувчилари, ноширлар ҳамда вилоятлардаги ахборот ресурс маркази ходимлари иштирок этишди. Йиғилганлар баркамол авлод тарбиясида китобхонликнинг ўрни, болалар учун нашр этилаётган китоблар, мутолаа маданияти ва бошқа қатор қизиқарли мавзуларда маърузалар тинглашди.

— Май ойидан бошлаб, «Бир болага уч китоб» акциясини ўтказишни мўлжаллаяпмиз,— деди Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков. — Агар ҳар бир ота-она ойлик даромадининг учдан бир қисмини боласига китоб харид қилиш учун ажратиб, ҳеч бўлмаганда бир ойда биттадан китоб совға қилса, бу хонадонда бир йилда 12 та, ўн йилда эса 120 та китоб йиғилар экан. Шунча заҳираси бор кутубхонага эга бўлган ёш авлод, маънавияти юксак, келажаги истиқболли бўлади.

**Шаҳноза РОФИЕВА**

## КЕКСАЛАР АРДОҒИМИЗДА

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида "Турон" ахборот-кутубхона маркази ташаббуси билан пойтахтимиздаги 215-мактабда "Авлодлар яшаркан, хотира мангу" деб номланган маърифий кеча бўлиб ўтди. Унда Муқимий, Баротхўжа, Қўйлиқ номидаги маҳаллаларда яшаётган кексалар, мактаб жамоаси иштирок этди.

Тадбирга таклиф этилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ёшларга ўз хотираларидан сўзлаб бериб, бугунги ёруғ кунлар учун жонларини фидо қилган боболари номларини ардоқлашаётганликлари учун самимий миннатдорчилик билдиришди.

Учрашув сўнгида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Моҳинур ҚОДИРОВА**

*__ВОҚЕА:__ Бир аёл кетма-кет туғилган тўрт нафар қиздан сўнг ўғил кўрди. Эр, қайнота-қайнона ўзида йўқ хурсанд. Қутламаган одам қолмади. Афсуски, бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Жигар етишмовчилиги хасталиги бўлган аёл туғруқдан сўнг ўзини ўнглолмади. Шифокорларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Тилаб олинган гўдак етим қолди. Эр бошини чангаллаб, ҳомиладорлик даврида шифокор маслаҳатига боришга рухсат бермагани учун ўзини кечиролмасди. Қайнота-қайнона эса, «Наслимиз давомчисини туғасан деб, келин бечорани жувонмарг қилдик», дея айюҳаннос солишарди. Аёлнинг ота-онаси эса, алам устида куёвнинг ёқасидан олиб, туғруқхонани бошига кўтаришди. Аслида бу кўргуликнинг барчаси аёл саломатлигига нисбатан лоқайдлик, ўзбилармонлик, оиладагиларнинг тиббий билимсизлиги оқибати эди.*

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ДАРАХТ ИЛДИЗИ, ИНСОН ФАРЗАНДИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

**Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Дилфуза ҲАСАНОВА билан суҳбат**



**Суҳбатдош шарҳи:**

— Аввало, ота-она фарзанд кўришни режалаштираётганда ўзларига «соғломмизми, соғлом фарзанд кўра оламизми?» — деган саволни бериб, шифокор кўригидан ўтишлари муҳим. Аёлнинг соғлом бўлиши, унинг бенуқсон фарзанд кўриши учун 5 та омилга эътибор берилиши керак. **Биринчидан, жуда эрта туғруқнинг олдини олиш.** Яъни 20 ёшдан олдин бўлган туғруқлар. Бевақт ҳомиладорлик ҳамиша аёлнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бу даврда аёлнинг ёш танаси, репродуктив аъзолари шаклланмаган бўлади. Шу боис баъзи аъзолар ўз фаолиятини тўлақонли бажаролмасдан, ҳомиладорлик даврида ҳаёт учун хавфли бўлган ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, бу ёшда она бўлиш учун унинг руҳияти ҳам тайёр бўлмайди. Эрта турмушга чиққан қизнинг иккинчи оила муҳитига тушиб, мослашуви қийинроқ кечади. Гоҳида аёл руҳиятига ҳар хил таъсир кўрсатадиган ҳолатлар туфайли ҳомила тўлиқ ривожланмайди.

Ҳомиладорлик даври ёки туғруқ пайтида дунёдан кўз юмаётган аёлларнинг таҳлилини ўтказадиган бўлсак, деярли 3/1 нисбатда бу эрта ёшда ҳомиладор бўлиб туғаётган аёллардир.

**Шунингдек, кеч туғруқларнинг олдини олиш.** 35 ёшдан юқори бўлган аёллар турли касалликлари бўлса, бу саломатлиги, ҳомиласи, ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Айрим аёллар иккита болани соппа-соғ туққанман-ку, учинчисиниям эсон-омон қўлимга оламан-да, деб шифокор кўригидан ўтмай, ҳомиладор бўлишади. Лекин ўзини ёмон сезгач, аҳволи оғирлашгачгина уни касалхонага олиб келишади. Она-болани асраб қолгунча шифокорлар елиб-югуришади. Афсуски, гоҳида бундай онадан нимжон бола туғилади. Она ҳам, бола ҳам бир умр ногирон бўлиб қолса-чи, унда ким ўзини айбдор санайди? Афсуски, бу ҳолни асло пешона — тақдирга йўйиб бўлмайди.

**Тез-тез туғруқларнинг олдини олиш,** яъни фарзанд кўриш оралиғини 3-4 йил сақлашни аҳолига тушунтириб бориш зарур. Агар аввалги ҳомиладорликдан кейин аёл жисмоний куч-қувватини тўла тикламасдан ҳомиладор бўлса, бола муддатидан илгари туғилиши ва вазни меъёридан кам бўлиш хавфи кучаяди. Вазни кам туғилган болалар секин ўсиб-улғаяди ва касалликларга тез чалинувчан бўлади. Ҳатто бундай гўдакларнинг ҳаётининг дастлабки йилида нобуд бўлиш эҳтимоли ҳам кузатилади.

**Кўп, қайта-қайта туғруқнинг олдини олиш.** Юқорида айтиб ўтилганидек тўрт қизим ёки беш қизим бор, кейингиси ўғил бўлар деб ҳаётини хавф остига қўяётган оналар ҳам афсуски, учраб турибди. Қайта-қайта хомиладор бўлиш, туғишлар, гўдакларни эмизиш ва уларни эрта-ю кеч парваришлаш оқибатида аёл ўта ҳолдан тойиши мумкин. Бундайлар камқонлик касалига дучор бўлишади ва энг даҳшатлиси, она-бола ҳаёти хавф остида қолиши ёки носоғлом зурриёт дунёга келади. **Ва энг муҳими, мутлақо туғиши мумкин бўлмаган аёлларда ҳомиладор бўлишнинг олдини олиш. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш борасида аслида эркаклар ҳам аёллар билан баб баробар жавобгардир.** Умумий туғиш ёшидаги аёлларнинг сонига солиштирганда юқоридаги ҳолатга алоқадор аёллар 6-7 фоизни ташкил этса-да, барибир бу жиддий муаммодир. Чунки 70–75 фоизгача бўлган ўлим, ўлимга яқин холатлар шундай аёлларда кузатилмоқда.

**— Айтингчи, бевақт ҳомиладорликда қўлланиладиган аборт усули аёл соғлигига зарарлими?**

— Аввало аборт соғлом оилани шакллантириш усулларига кирмайди. Ҳозирги кунда ушбу чоранинг олдини олиш учун мамлакатимизда етарлича контрацептив воситалари бор. Ҳар бир қишлоқ врачлик пунктларида кафолатланган усулдаги ҳомиладорликдан асровчи воситалар аҳолига бепул тарқатилаяпти. Бу пунктлар аҳоли яшаш жойларига яқинлаштирилган ҳолда хизмат кўрсатаяпти. Малакали шифокорлар маслаҳатлар бериб, тушунтириш ишлари олиб бораяпти. Шундай маълумотларни била туриб, исталмаган ҳомиладор бўлиб қолган аёл ўз саломатлигини мутлақо ўйламайди. Тез-тез аборт қилиш эса саломатликка жиддий зарарли таъсир кўрсатади. Биринчидан, бачадон ички инфекцияси содир бўлади. Шунинг учун бу аёл кейин яна ҳомиладор бўлиб, фарзанд кўраман деганда, боласи инфекция билан туғилиши мумкин. Бундан ташқари, аборт жараёнининг ўзида асоратлар бўлади. Бачадон тешилиши, кўп қон кетиши, каби ҳолатлар аёлнинг дунёдан бевақт кўз юмишига олиб келиши мумкин. Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, бир йилда бутун дунё бўйича 66 минг нафар аёл фақат аборт қилиш асоратлари сабабли дунёдан кўз юмаяпти. Такрор айтаман, бундай ноҳуш ҳолатнинг олдини олишда исталмаган ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланиш зарур.

**— Қон гуруҳи резус-манфий бўлган аёлларнинг ҳомиладорлиги қандай кечади? Улар соғлом фарзанд кўриши учун нималарга эътибор бериши керак?**

— Қон гуруҳи резус-манфий бўлганлар аҳолининг 15 фоизини ташкил этади. Уларнинг деярли ярмидан кўпи аёллар. Барча аёллар қон гуруҳи резус-манфий ёки мусбат эканлигини билиши зарур. Аёлнинг қон гуруҳи манфий бўлса, соғлиғига жудаям эътиборли бўлиши керак. Биринчи ҳомиладорлигини ниҳоятда синчиклаб ўтказиши муҳим. Чунки дастлабки ҳомиладорлик бирор сабабга кўра, тўхтаб қоладиган бўлса, бундай аёлнинг иккинчи ҳомиласи ривожланишида нохуш ҳолат — гимолитет касаллиги кузатилади. Бу касалликнинг оғир формалари ҳомиланинг нобуд бўлишига, туғилгандан кейин чақалоқнинг яшаб кетолмаслигига сабаб бўлади. Қони резус-манфий бўлган келинчаклар соғлом бола туғишлари учун албатта биринчи ҳомиладорлигига жиддий тайёргарлик кўриб, ҳомилани соғлом кўтариб, эсон-омон туғишлари учун мунтазам шифокор назоратида бўлишлари шарт. Ва улар ҳомила туғилгандан кейин албатта **антирезус гамаглобулин** деган воситани 72 соат ичида инъекция қилдиришлари керак. Бу восита бўлмаса, туғруқхоналарда «Рогам» деган препарат бор. «Рогам» препаратини ишлатиш бўйича шифокорлар тўлиқ маълумотга эга. Дастлабки туғруқдан сўнг бу препарат ҳам 72 соат ичида, яъни қанча вақтли қилинса, шунча яхши. Аёлга ҳомиладорлик пайтида 26-28 ҳафталикда биринчи инъекция қилинади. Иккала инъекцияни олган аёлнинг кейинги боласи ҳам соппа-соғ туғилишига 99 фоиз кафолат берилади.

**— Ҳозирги кунда туғруқхона муассасаларида бўлажак ота-оналар мактаблари жорий қилинаётган экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз?**

— Бу мактабларга фарзанд кўришга тайёрланаётган, илк бор ҳомиладор бўлган келинчаклар, уларнинг турмуш ўртоқлари жалб этилаяпти. Ёшлар оила қурдими, фарзанд кўришни хоҳлайдими, улар аввалроқ зарур билимларни шу мактабларга келиб, малакали шифокорлардан олиши, ҳомиладорликка тайёргарлик кўриши керак бўлади. Саъй-ҳаракатларимиз самара бераяпти. Тиббий кўрикдан ўтиб, танасида бор касалликларни аниқлаб, шифокор белгилаб берган даво муолажаларини амалга ошириб, сўнг фарзанд кўришни режалаштираётган, ҳомиладор бўлаётган, бирор хил асоратлар пайдо бўлганида дарҳол шифокорга мурожаат қилаётган ёш оилалар сафи кенгаймоқда. Лекин айрим жойларда бунинг акси ҳам учраб турибди. Оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида шифокорлар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишда муаммоларга дуч келаяпти. Шунинг учун унутмаслик кераккки, баъзи тиббий кўрикни ўтказишга қаршилик қиладиганларга тушунтириш ишлари олиб бориш шифокорларнинггина эмас, мутассади ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ҳам бош вазифасидир.

Соғлом фарзанд туғилиши, унинг соғлом вояга етиши соғлом жамият асоси. Ахир, дарахт қуввати илдизи-да, дея бежиз айтилмаган. Аёлларимиз, болаларимиз соғлом экан, миллатимиз кучли, келажагимиз порлоқ бўлаверади.

**«Оила ва жамият» мухбири**
**Тамара ХУММАМАТОВА**
**суҳбатлашди.**




**КАБУТАР** — бу сўзнинг туб илдизи «кўк», «кўкат» маъносини англатган, «кабуд» сўзидан олинган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, «кабуд» сўзига «кар» қиёсий даража қўшимчаси қўшилиб, «кабутар» сўзи ясалган.

**МИРЗО** — «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, ҳукмдор маъносини англатган, «амир» отининг қисқартирилган «мир» шакли билан зода отининг қисқартирилган «зо» шаклининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Мирзо сўзи «амирнинг ўғли» деган маънони англатиб, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур каби бирикмалар таркибида ишлатилади.

**МИРШАБ** — бу сўз ҳам «Мирзо» сўзидаги каби «амир» сўзининг қисқартирилган «мир» шаклига «тун» маъносини англатган «шаб» сўзининг бирикиши натижасида ҳосил бўлиб, тунги соқчи маъносини билдиради.

**САРГУЗАШТ** — «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да бу сўз тожик тилида «бош» маъносини англатган «сар» сўзига «кечирди» маъносидаги «гузашт» феълининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу сўзнинг туб илдизи «бошдан кечирди» мазмунини билдиради.

**Эшқобил ШУКУР**
**тайёрлади.**

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

## КЎКЛАМ

*Бетўхтов айланиб фалакнинг чархи,*
*Яна қайтиб келди фарахбахш дамлар.*
*Табиат уйғонди, бузилиб тархи,*
*Шукроналик ҳиссин туйди одамлар.*

*Қишнинг кўрпасини йиққан далалар,*
*Елкасига кўм-кўк тўнин ташлади.*
*Баҳор томчилари туртган лолалар*
*Қад тиклаб, севинч-ла кўзин ёшлади.*

*Танаси қадоқли мағрур ўриклар,*
*Оқ гулли маржону дур тақиб олди.*
*Бепоён дала-дашт, адир, қўриқлар,*
*Барчанинг кўнглига хуш ёқиб қолди.*

*Боғу гулзорларга қайтди булбуллар,*
*Улар хонишида авжу даромад.*
*Куртак, япроқ, ғунча, майса, сунбуллар,*
*Фасли навбаҳорга айтади раҳмат.*

*Ташвиш ҳам, олқиш ҳам ўта ўринли,*
*Буни яхши билар баҳор кўрганлар.*
*Кўкламлар — биридан бири кўримли,*
*Буни ҳушёр англар сархуш юрганлар.*

*Шодланинг, азизлар, чин дилдан яйраб,*
*Биз етдик, бу кунга етмаганлар бор.*
*Омон бошга дўппи топилур, ё раб,*
*Уни йўқлаб келур ҳар йили баҳор!*

**Ҳожиқул ОМОНОВ,**
педагогика фанлари доктори,
Тошкент молия институти профессори.

## *Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишини хотирламайдиган*

# “КИТОБХОН МОМО”

### 88 ёшида ҳам китоб, газета-журналларни кўзойнаксиз мутолаа қилаётир

**ИБРАТ**



“Китоб ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтайди” деган ҳикматли иборанинг мағзини ёшлигидаёқ англаб етган чироқчилик Шарофат момо Қурбонованинг гап-сўзлари жуда оддий ва халқона:

— Менинг бу дунёда орттирган бойлигим аввало, саккиз фарзандим, элликдан ортиқроқ невара-чеварам ва...сизга айтсам, ўғлим, бир хуржун китобларим. Отамдан эрта айрилгач, Лангар Ота қишлоғида яшайдиган, қабрлари илоё нурларга тўлсин, Саид Бурхон тоғамнинг қўлида тарбия топдим. Раҳматли жуда меҳрибон ва илму маърифатли инсон эдилар. Шу боис ҳам мен болалигимдаёқ китобга меҳр қўйганман. Кейинчалик эса Иккинчи жаҳон урушида қатнашган хўжайиним, раҳматлик Мўйдин бобонгизнинг қўллаб-қувватловли туфайли адабиётга ихлосим баланд бўлди.

Ҳозир ҳам бўш қолдим дегунча, қўлимдан китоб тушмайди. Навоий, Бобур, Огаҳий, Фузулий, Маҳтумқулининг нодир ғазаллари, Абдулла Қодирий асарларини суюб ўқиганман...

Чироқчи туманидаги Жар қишлоғида умргузаронлик қилаётган Шарофат момонинг тўнғич ўғли муаллимликдан пенсияга чиққан, бири шифокор, бошқаси тадбиркор, қизлари ҳам ўзларидан тинган, хуллас, ҳаммаси оналарига “тортган” — китобхон, зиёли. Момонинг айтишича, аваллари унга болалари қизиқарли китоблар олиб келган бўлишса, энди бу ажойиб аньанани неваралари давом эттираётган экан.

**Ғози РАҲМОН,**
*журналист.*
**Қашқадарё вилояти.**

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

**ТАДБИР**

Сойиб ота Усмонов ҳақида сўз кетса, нафақат қашқадарёликлар, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида яшайдиган зиёлилар, нуронийлар ҳам у киши ҳақида самимий сўзларни айтишади. Чунки бу фидойи инсон айни истиқлол йилларида мустақилликни мустаҳкамлаш, кексалар ҳурматини жойига қўйиш, қолаверса, ёшлар қалбида озод Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотишдек савобли ишларга бош-қош бўлишда кўпчиликка намуна бўлди.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қарши шаҳридаги 26-ўрта умумтаълим мактабида Сойиб Усмонов хотирасига бағишланган “Ёрқин ва ибратли умр соҳиби” деб номланган уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Байрамона руҳда ўтказилган кечада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси Январ Иноятовлар бу хассос қалб соҳиби билдан боғлиқ ёруғ хотираларини сўзлаб беришди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**“Оила ва жамият” мухбири. Қашқадарё вилояти.**

# УСТОЗНИ СОҒИНИБ...

Дарҳақиқат, хотира — бу қадр, хотира бу ҳурмат, эътибор, ўтганлар ёди, муқаддас туйғу. Муқаддас саналган тушунчалар ва эътиқод хотира билан тирикдир. Хотира инсоннинг келажакка бўлган муносабатини билдиради, ақл билан иш тутишга ўргатади. Инсон хотираси умри давомида амалга оширган эзгу ишлари, ўзгаларга қилган яхшилигию, ўзгаларнинг унга қилган яхшиликларини эслаш орқали бойиб боради.

Биз хотирламоқчи бўлган азиз инсон даҳшатли урушнинг ўт-олови орасидан омон қайтиб, бутун умри, машаққатли ҳаёти, билими ва қалб қўрини ёшларга бахшида этган, юзлаб шогирдларига ўзининг ақлу заковати, катта тажрибаси ила ҳаёт йўлини кўрсатган, керагида ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаган ажойиб устоз — Қўшкўпир туманидаги 23-сонли умумий ўрта таълим мактабининг собиқ ўқитувчиси Ибрагим Матризаевдир.

Ибрагим ака 1923 йилда Хива шаҳрида туғилган. Педагогик фаолиятини 1941 йилнинг февралида Қўшкўпир туманидаги бошланғич мактабда бошлаган. 1942 йил июль ойида армияга чақирилиб, бир ярим ойдан кейин жангга кирган. Украина, Белоруссия ва Чехословакияни озод қилишда иштирок этган. 1946 йилда она қишлоғига қайтиб келган Ибрагим ака ўзининг севган касби ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Туманнинг Хонобод, Хосиён, Кўхназей, Ўртаёп қишлоқларидаги мактабларда ёшларга рус тили ва адабиёти фанидан таълим берган. 1965 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институт(ҳозир университет)ини сиртдан битказиб, умрининг охиригача Ўртаёп қишлоғидаги мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлган, раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Ҳамиша янгиликка интилган, ташаббускорлик, изланувчанлик, юксак маънавиятлилик ҳаётининг бош мезони бўлган бу ажойиб устоз ўқувчиларни бениҳоя севган, уларнинг чуқур билим олишлари, Ватанга садоқатли, мард, фидойи инсон бўлиб етишлари учун маҳорат ва меҳнатини аямади.

**Зуҳрахон РЎЗМЕТОВА,**
**Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ходими.**

# ИСТИҚЛОЛГА ЕТМАГАН ОЛИМ

Келин бўлиб тушган хонадонимнинг равонли айвони тўрида турган азиз бир инсоннинг сурати гўё менга қараб, ҳар доим «Хуш келибсиз, қизим!» деётгандек туюлаверади...

Ақл-идрок ва тафаккурини ёш авлод келажаги йўлида бахш этиб, эл-юрт иззат-икромига сазовор бўлган устозлардан бири, заҳматкаш олим Субутой Долимовнинг ҳаёти ва илмий ижодий фаолияти Туркистон халқ дорилфунуни, Ўрта Осиё давлат университети, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) билан узвий боғлиқ кечди.

Усмонбек Долимов (Субутой – тахаллуси) 1907 йили Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. У дастлаб эски мактабда, сўнг Ғулом Қодир домла Сағбон маҳалласида очган жадид мактабида таълим олди. 1920-йилларда Ойбек, Миркарим Осим, Зарифа Саидносирова каби ўз даврининг катта олим ижодкорларини тарбиялаб етиштирган «Намуна» билим юртида ўқиди. Дастлабки шеърий машқлари ўқув юртининг «Тонг юлдузи» газетасида «Субутой» тахаллуси билан чиқиб турди. 1939 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозир университет)ни тугатиб, 1940 йилдан Педагогика фанлари илмий текшириш институтида ўзбек тили ва адабиёти методикаси сектори мудири лавозимида ишлади. Ўрта мактаблар учун адабиёт бўйича барқарор дастур ва дарсликлар яратишда қизғин фаолият олиб бораётган бир пайтда, эллигинчи йилларнинг даҳшатли қатағони бошланди. Домла Субутой Долимов бир мўъжиза юз бериб, бу талотумдан омон қолади. Аммо йиллар давомида оғир меҳнат билан яратилган ва чоп этилган дастур ҳамда дарсликлари, ўқув қўлланмалари мафкуравий зарарли деб баҳоланиб, мактаблардан олиб ташланди, ўзи ишдан бўшатилди.

Субутой Долимов Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳаёти ва ижоди бўйича узоқ йиллик илмий изланишларини якунлаб, 1962 йили фан номзодлиги мувафаққиятли ҳимоя қилди ва ижодининг маҳсулдорлиги ҳамда асарларнинг бадиияти нуқтаи назаридан Огаҳий ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги энг забардаст вакили деган илмий хулосага келди. Субутой Долимов шоирлар Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Юсуф Рожий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Яъқубхўжа Холис, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, хусусан, Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини тадқиқ этиш ҳамда нашр этиш ишларига 40 йиллик ҳаётини бағишлади...

Таниқли олим Субутой Долимов ўзи интиқлик билан кутган Ватан мустақиллигига саноқли ойлар қолганда — 1991 йилнинг 24 майида вафот эди. У кишининг илмий ишларини шогирдлари, фарзандлари ва биз набиралари давом эттирмоқдамиз.

**Фотима АХРОРОВА,**
**ЎзМУ катта ўқитувчиси**

# БУНИ УМР ДЕРЛАР...

**Ўзи оддий оиладан чиққанлиги боисми, кимга бўлсада, қўлидан келгунича ёрдам берарди.**

**ДИЛОРОМ опа,**
**аёли.**

**Устозимиз дунёдан ўтганидан кейингина у кишининг ўрни, қадри нақадар баланд эканлигини англадик.**

**Ш. ЖАББОРОВ,**
**шогирди.**

**Отамиз бизларга мол-давлат мерос қилиб қолдирмади, аксинча, ҳалоллик, дўстларга садоқат, эзгулик сингари улуғ бойликларни улашиб кетди. Ҳозир ҳам дадамнинг инсоний фазилатлари ҳақида одамлардан мақтов гапларни эшитсам, фахрланиб кетаман.**

**МАЛОҲАТ,**
**қизи.**



Тўғри, аксариятимиз умрни, тирикликни ўткинчи, Яратган томонидан ҳисоблаб берилган деб ўйлаймиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа ҳам йўқ. Шу боисми, ҳар биримиз ўзимизга инъом этилган ҳаётимиз давомида имконимиз борича одамларга яхшилик қилгимиз келади. Албатта, бунга кимдир эришади, яна кимдир улгуролмайди. Лекин бугунги мақоламиз қаҳрамони, ҳалигача қашқадарёлик иқтисодчилар, тўғрироғи, банк соҳаси ходимлари орасида “устоз” деган шарафли номга эга бўлган Хуррам Қобуловнинг 65 йиллик ибратли умр йўли кўпчилик учун мактаб вазифасини ўтади, десак янглишмаймиз.

Чироқчининг чекка бир қишлоғи Оқтўнлида оддийгина оилада вояга етган Хуррам ака умри бўйи тинмай ўқиди, изланди. Мактабни аъло баҳоларга тугатгач, аввал Андижон, кейин эса Тошкентда ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли равишда битирди. Сўнг ишлаш билан бирга яна Тошкент халқ хўжалиги институтида ҳам таҳсил кўрди. Вилоят статистика бошқармасида катта иқтисодчи, бош назоратчи, вилоят қурилиш банкида бўлим бошлиғи, раҳбар, сўнгра эса саноат-қурилиш банкида масъул вазифаларда хизмат қилган.

Ўттиз йил бир жамоада ишлаш...ҳар кимга насиб қилмайдиган шараф бу! Айниқса, истиқлол даврига бу соҳада кечган жараёнлар алоҳида саҳифа. Лекин мустақиллик йилларига келибгина Хуррам Қобуловга ўхшаган, ўз соҳасини яхши эгаллаган, фидойилар юрак қўрларини тўкиб ишлашлари учун кенг имкониятлар яратилди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ, “Ипотека-банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиали бошқарувчиси:**

— Банк соҳаси жуда мураккаб ва жиддий масъулиятни талаб қилади. Айниқса, битта рақам, сон кўп нарсани белгилаб беради, адашиш, янглишиш мумкин эмас. Бу борада мен устозимиз Хуррам акадан жуда кўп ибратли тажрибаларни ўрганганман. Одамийлик, эзгулик бобида-ку ҳаммамизга намуна эдилар. Ишлаган ва ҳалолликни яшаш шиори деб билган одамларни ғоятда қадрларди. Яна бир жиҳати, жамоамизда байрам ва қутлуғ кунларнинг файзли ва қизиқарли ўтишига шахсан ўзлари бош-қош бўлар, тарихий жойларга саёҳатлар уюштиришни яхши кўрарди.

Шогирдларидан бири Зубайдулла Ибодуллаевнинг эслашича, исталган масала бўйича ким мурожаат қилса, ёрдам сўраса, ҳеч оғринмай эшитишни билар ва ўз навбатида ижобий ҳал бўлишини таъминлар экан. Бундай одиллик ва оқилона иш тутиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Хуррам ака нафақат жамоаси, балки оиласида ҳам бағрикенг ва меҳрибон, чин маънода суянчиқ бўлганлигини унинг қадрдонлари қувониб эслашади.

**Дилором ҚОБУЛОВА, турмуш ўртоғи:**

— Ишхонадан кеч қайтса ёки чарчаб, толиқиб келса, ҳазиллашиб “Сиз учун ишхонангиз биринчи уйга айланган-а, хўжайин?” дердим. Худога минг қатла шукрки, олти фарзандни биргаликда меҳр билан, вақти келганда қаттиққўллик билан тарбиялаб, элга қўшдик. Фақат битта армоним, болалари, невараларининг ҳузур-ҳаловатини тўйиб кўролмади. Лекин хайриятки, шунча йиллик меҳнати зое кетмади: шогирдлари, издошлари номини эъзозлашяпти.

Энди айтинг-чи, азиз замондош, инсон неча йил умр кўрар экан? 50, 60, 80 ёки бир аср! У ёғи “иккинчи ҳаёт”ига дахлдор кечади, десак янглишмаймиз. Чунки неча йил умргузаронлик қилган бўлса-да, савобли ва хайрли амаллари орқали вафотидан сўнг ҳам элдошлари юрагида “яшайверади”. Демак, Хуррам Қобулов руҳан уни билган, кўрган ва севган инсонлар қалбидадир.

**Шавкат МЕЛИХОЛОВ,**
**журналист.**

# БЕГОНА «ОТА»

Синф раҳбари уйига олиб кетаётганида Султоной роса тихирлик қилди.

— Бормайман... Ҳали дарсим тугагани йўқ.

— Дарсингни эртага қиласан, — шикаста овоз билан Султонойни кўндирмоқчи бўлди ўқитувчиси. — Ҳозир эса боришимиз керак.

— Нега сиз мени уйга олиб бораяпсиз?

— Йўлим тушди-да, қизгинам, — Султонойнинг сўровига бир жўяли жавоб тополмай гаплари пойма-пой бўлди Қулмурод тоғанинг. — Даданг тайинлади. Тоғангникига борар экансизлар.

— Ойим билан дадам эрта билан тоғамникига кетган эди-ку.

— Ҳали жўнашмабди. Олиб борадиган машина бузилган эмиш.

Султонойнинг саволлари тугамаётган эди. Аммо Қулмурод муаллимнинг ранг-рўйи, синиқ сўзлари, йиғидан аранг ўзини тутиб турган ҳолати қандайдир бир фалокатнинг қора тумани Султонойнинг мурғак қалбига бостириб келаётгандек эди.

«Ё, тавба! Бунчалар сезгир бўлмаса... Фожеани қандай айтаман бу гўдакка.»

Уйларига тумонат одам йиғилганини кўрган Султоной ҳайрон қолди. Мудҳиш, эшитган кишининг юрагини тилка-пора қиладиган чинқириқлар, йиғининг ситамли овози қизалоқни тошдек қотириб қўйди. Сумкасини бир чеккага отиб юбориб, ўзини ерга ташлади. Ёруғ жаҳонини зулмат қоплади. Лола юзлари сўлиб, жисму жони андуҳ изтиробида ўртанди.

— Дада, дадажон! Ойижоним!

— Даданг ҳам, ойинг ҳам энди йўқ, бахти қаро қизгинам! — ўкириб юборди Қулмурод.

У жонсиздек бўлиб қолган Султонойни бағрига босди. Ота-онаси билан видолаштириш учун Султонойни жасадлар қўйилган хонага олиб кирди. Қизча совуқ мурдалар устига ўзини ташлади. Гоҳ отасининг, гоҳ онасининг юзларига юзини босиб қучоқларди. Уни ҳеч бир куч жасадлар устидан ажратиб ололмасди. Бироздан кейин қий-чув остида Султонойни тоза ҳавога олиб чиқдилар. У ҳушидан кетди.

Ўша куни Султоной мактабига жўнаётган эди. Ойисининг юзидан ўпиб, дадаси билан хайрлашди.

— «Беш» баҳо олиб кел, оппоқ қизим. Дугоналаринг билан иноқ бўл, уришма.

Жониқул қизини мактабига жўнатиб, хотинига юзланди:

— Мақсудга машинангда обориб-опкеласан, деб илтимос қилдим. Бензин олиб бердим. Ҳализамон келиб қолади. Тараддудингни кўр. Аканг телефон қилди. Бугун онангнинг қабрига тош қўйишармиш. Тушга қолмай, бориб, қайтамиз.

— Қўйинг шу Мақсудизни, — афтини буриштирди хотини. — Мошин ҳайдаганига уч ой бўлгани йўқ. Ўқимаган. Ойсанамнинг тўйига олиб борганида машинанинг бир балони чиқиб кетиб, сал қолувди ағдарилиб кетишига. Бошқасини топинг, дадаси!..

Қишлоқнинг йўлига кирганда ёмғир битта-битта томчилай бошлади. Йўл ярим бўлганида шаррос жала қуйди.



— Масофани узоқроқ олинг, — Захардан илтимос қилди Жониқул. — Йўл жуда тойинчоқ экан...

Мақсуд Жониқулнинг бу танбеҳини эшитмаганга олди. Ўчакишгандай олдида бораётган юк машинасига теккизгудек қилиб ҳайдайверди. Йўл тор, аранг бир «Камаз» сиғиб бораётган эди. Мақсуд тормозни босди. Машинаси бир тўхта- ди-ю, жиловсиз бўлиб қолди. У шиддат билан «Камаз»нинг тагига кириб кетди...

Султонойнинг ота-онасини бир кунда қишлоқ аҳли қора тупроққа топшириб қайтдилар. Худойиси ўтганидан кейин қишлоқ оқсоқоллари, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар йиғилишиб, Султонойнинг бундан кейинги тақдири масаласини ҳал қилиб олмоқчи бўлишди.

— Туғилмоқ бор, ўлим — ҳақ. Аммо бундай кўргулик яқин йилларда бўлган эмас, — гапни бошлаб берди маҳалла оқсоқоли. — Аввало, ҳаммаларингга сабр-бардош тилайман. Султоной ёлғиз қолди. Унинг ўксик кўнглини кўтарадиган, бошини силайдиган, меҳрибон оила керак. Энди бу эгасиз қолган ҳовли-жойда ҳеч ким яшамайди, Султонойни кимдир қарамоғига олиши керак. Ёки қариндош-уруғлардан бировларинг ҳовли-жойга эгалик қилиб, кўчиб киринглар. Хўш, шу гапга нима дейсизлар?

— Ўзимнинг болаларимни йўлга сололмаяпману, буни қандай эплайман? Иложим йўқ, — деди Жониқулнинг акаси ошкора.

— Ҳай-ҳай оғайни, уялмайсизми, шу гапни айтгани? — маҳалла раисининг жаҳли чиқди. — Ҳали ҳеч ким сизга «Султонойни тарбиянгизга олинг!» деб мажбурлагани йўқ! Сизчи, холаси, нима дейсиз?

Хола кўз ёши қилди. Ўлимни қарғади, тақдирдан нолиди. Ёшларнинг бевақт умрлари хазон бўлганидан «оҳ-воҳ» чекди. Сўнгра, эрини ёмонлаб, баҳона ахтарди.

— Болаларим кўп. Бу бечора етимчани ўкситиб, бир дардини икки қиламанми? Эримнинг феъли ёмон. Тарбиямга олиб, эртага ёмонотлиғ бўлганимдан кўра, ҳозирданоқ йўқ деганим маъқулроқми, дейман. Яхшиси, болалар уйига топширайлик.



Бу машваратда ўтирган Қулмурод муаллимнинг жаҳли эшитган гапларидан чиқди. Ўзини тутиб туролмай, гапга аралашди.

— Эрингизни чақириб сўрайлик-чи, балки у киши рози бўлар. Ахир жигарсизлар-ку!

— Менинг айтганим бўлади, — асл башарасини очди хола. — Тўғрисини айтаман, тарбиямга ололмайман дедимми, гап тамом.

Қулмурод муаллим Султонойнинг хола ва амакисидан нафратланди.

— Биринг «бахти қаро», биринг «етим», бошқа бировинг «эрим ёмон» дейсан. Қолганларинг гунг-соқов бўлиб қолдиларинг. Кечагина ёқа йиртиб, оғам, жигарим, деб йиғлаб-сиқтаганларинг ёлғон экан-да? Қандай бағри тош қондошсизлар? Суф-е, сизларга.

Султонойнинг аммасини эри Қулмуродга ўдағайлади:

— Сен кимсан ўзи? Нега бу ишга бурнингни тиқаяпсан? Хўш, жуда раҳминг келиб, куйинаётган бўлсанг, шу қизни ўзинг ола қол! — сенсиради муаллимни у. — Мана шу ҳовли-жой, молу мулк ҳам сенга тегади. Хўш, қалай? Ҳа-аа... Ана шундай... Ёқмади-ми, муаллимжон?!

— Менга уй-жой, молу мулк керак эмас, — ўзини босиқ тутди Қулмурод муаллим. — Кўрамиз ҳали... Эрта бир кун уй-жойга ҳам эга чиқиб қолар... Лекин, мана шу одамлар гувоҳлигида айтаманки, шу бугундан бошлаб Султоной менинг қизим!

Хонага сукунат чўкди. Фақат энг яқин, қариндош-уруғлари ўртасида «сен ол, мен ололмайман», дея хўрланаётган Султонойнинг «пиқ-пиқ!» йиғлаётган овози эшитиларди, холос.

— Ҳамма розими? — оқсоқол яна қариндошларга мурожаат этди. — Бугуннинг эртаси ҳам бор. Ўйлаб кўринглар.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Қулмурод муаллим Султонойнинг қўлидан тутганча секин уйига қараб йўл олди...

**Турсунбой БОЙМИРОВ,**
**Қамаши тумани.**



# ТУШКУН АЁЛНИ ТУШУНИНГ

«Мен кўп фарзандли хонадонда ўсганман. Оиламизда беш қиз ва битта ўғил эдик. Отам ёшлигимизда автоҳалокатга учраб, онам 30 ёшида бева қолган. Бу пайтгача онам ҳеч қачон бир ўзи ҳатто кўчага ҳам чиқмаган, бозор-ўчардан буткул бехабар аёл эди. Ноилож олтита болани боқиш учун, бор имкониятларини ишга солиб, кундузи касалхонада фаррош бўлиб ишлар, кечқурунлари алламаҳалгача дўппи, чопон тикиб рўзғор тебратарди. Энг каттамиз бўлмиш акамни ёлғиз ўғлим деб, нуфузли олий таълим муассасасида ўқитди. Биз опа-сингиллар эса мактабдан бўш вақтларимизда кашта тикиб, ўзимизнинг мактаб кийимимиз, дафтар-китобимизга пул топардик. Бошқа дугоналаримиздек чиройли, қимматбаҳо кийимлар киймасак ҳам, онамизнинг кўнглини ўкситмадик, оғиримизни ташламасликка ҳаракат қилдик. Бу бизни анча мустақил бўлиб ўсишимизга ёрдам берган экан. Турмушга чиқиб ҳам фақатгина эримизнинг қўлига қараб ўтирмадик. Давлат ишида ишладик, болали бўлиб уйда қолган пайтимизда ҳам ёшликда ўрганган ҳунаримиз орқали, қўшниларнинг тикиш-бичишларини қилиб, оиламиз хазинасини бойитишга ҳисса қўшганмиз. Ҳозир худога шукр, ҳаммамизнинг бошимизда топармон-тутармон турмуш ўртоқларимиз бор. Лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Инсон бундай пайтда тушкунликка тушиб қолмаслиги учун, ё маълумоти ё бирор ҳунари бўлиши керак».

* * *

... Бошқа бир аёлнинг турмуш ўртоғи эса катта тадбиркор эди. Иқтисодий етишмовчилик, пул муаммосига дуч келмаган бу аёл ҳам ҳаттоки на бозор-ўчарни, на нарх-навони ҳам билмасди. Тақдирнинг синовларини қаранг-ки, Гулшаннинг эри қаттиқ касалланиб, туролмайдиган бўлиб қолди. Ҳамма муаммо шундан сўнг бошланди. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» — деганларидек, тўпланган мол-мулк, дори-дармон, тўртта фарзанднинг еб-ичиши, ўқиш, боғча тўловлари билан узоққа бормади.

Фарзандлари ҳали ёш, уларни оёққа қўйиш, ўқитиш керак. Эрининг муолажаларига анча-мунча маблағ кетяпти. Умрида жамоат транспортидан фойдаланмагани учун бу аёл шаҳарни ҳам яхши билмасди. Уй коммунал тўловларини қаерга тўлаш, квитанция тўлдиришни-ку айтмай қўяқолайлик. Қўшниларининг маслаҳати билан бозорга ҳам чиқиб кўрди, аммо олибсотарликнинг ёзилмаган қоидаларига чидолмади. Дугоналари топиб берган бир-иккита жойга ишга бориб ҳам кўрди. Бироқ ҳозиргача ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган бу аёл оддий қора ишни ҳам эплашга кўзи етмаяпти.

* * *

Гулнора университетда аъло баҳоларга ўқирди. Ташкилотчилиги, ўқиш ва ишда фаоллиги учун устозлар ва курсдошлари ўртасида ҳурмати баланд бўлди. Номдор стипендия соҳибасининг совчилари ҳам кўп эди. Учинчи курсда ўқиб юрган пайтида ўзига тўқ бир оиланинг ўғлига турмушга чиқди. Тўйдан кейин Гулнора негадир дарсларни қолдирадиган, ҳеч нарсага улгуролмайдиган бўлиб қолди. Ўқишни амал-тақал битириб олди. Кетма-кет икки фарзандли ҳам бўлди-ю, етти йил уларнинг тарбияси билан уйда ўтириб қолди. Балки шу боисми, негадир кейинги пайтларда у ҳеч нарсадан ками бўлмаса ҳам, тез-тез жаҳли чиқадиган, бирданига тушкунликка тушадиган бўлиб қолди. Лекин қайнона-қайнотаси ўқимишли инсонлар бўлгани учун келинларига шароит яратиб беришди. Гулнора ўз соҳаси бўйича ишлай бошлади. Аммо «депрессия»дан чиқиб кетиши қийин бўлди. Бир пайтлар устозлари, курсдошлари катта ишонч билдирган бу иқтидорли қиз ўзига бўлган ишончини буткул йўқотиб, икки ўт орасида қолиб, нима қиларини билмайди.

* * *

**Ҳа, бундай ҳолатдаги аёлларга ҳавас қилиб бўлмайди. Аммо уларда бу вазиятдан тезроқ чиқиб кетишлари учун кўмаклашишимиз, иродасига ишонишимиз, фикрларини қўллаб-қувватлашимиз керак.**

**Қуйида ана шундай тушкунликка тушган аёлларга баъзи бир тавсияларни ҳавола этмоқчимиз:**

*1. Агар сиз бола тарбияси билан машғул бўлиб уйда ўтириб қолган бўлсангиз, ҳеч тушкунликка тушманг. Чунки сиз масъулиятли вазифалардан бирини бажараяпсиз. Болангиз билан кўпроқ бирга бўлиш имконини бошқа топа олмаслигингиз мумкин. Унинг ҳозиргидек ширин даври ҳеч қачон қайтиб келмайди. Фарзандингизга китоб ўқиб беринг, у билан ақлни чархловчи ўйинлар ўйнанг.*

*2. Болангиз боғча ёшига етиб, озроқ оёққа туриб олган бўлса, имкон бўлди дегунча, жамоага қайтишга ҳаракат қилинг. Ёки уйга ёзув-чизув ишларидан олиб бажаринг. Чунки узоқ вақт ҳеч қандай амалий ишлар билан шуғулланмаган аёл ўзининг қобилияти, касбий салоҳиятини намоён этишдан чўчиб қолади.*

*3. Агар ишга қайтишга имконингиз бўлмаса, вақтингизни билим олишга сарфланг. Бирор ўқув курсига кириб, чет тиллари ё ҳунар ўрганинг. Бир кунингизга яраб қолиши мумкин.*

*4. Оиладаги ҳисоб-китоб ишлари билан баъзан ўзингиз ҳам шуғулланиб туринг. Коммунал тўловларни тўлаш, бозор-ўчарни ҳам бўйнингизга олиб кўринг.*

*5. Албатта, «қора кун»ингизга ўзингизнинг йиққан жамғармангиз бўлсин. Илоҳим бундай кунга рўпара қилмасин-у, лекин ҳар эҳтимолга қарши, ҳар бир аёлнинг кўрпанинг қатига яшириб қўйган пули бўлгани яхши.*

*6. Турмуш ўртоғингиз хизмат сафарига кетиб қолиши мумкин. Шундай пайтларда уйингизда техник носозликлар, турли муаммолар рўй берса, нима қилишни билмай ўтирманг-да...*

**Шаҳноза РОФИЕВА**
**тайёрлади.**

*ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ*

# ҲАМ КОРХОНА, ҲАМ ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТДОР





Бир замонлар турли корхона, шифохона, юридик ва маиший хизмат кўрсатиш, қўйингки, исталган муассасанинг хусусий бўлиши одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Қисқагина, яъни бор-йўғи 18 йил орасида бевосита истиқлол шарофати туфайли юртимизда барча соҳаларда рўй берган ўзгариш, бунёдкорлик кўламларини энди ҳеч бир рақам ёки сонлар билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, мамлакат миқёсида тадбиркорлик, фермерликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тараққий эттиришга шахсан Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги туфайли кейинги ўн йилликларда эришилган муваффақиятлар, салмоқли юксалишлар таъбир жоиз бўлса, алоҳида эътироф этишга арзийди.

*Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида фаолият юритаётган «Изза Сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳам аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш борасида турдош корхоналар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Эътиборли жиҳати, жамоа аъзолари ҳар йилги даромад ҳисобидан мазкур жамиятнинг фаолият доирасини янада кенгайтиришга эришдилар. Истеъмол бозорида мижозлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида ушбу жамоа томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аллақачон ўз самарасини ҳам бераётир.*

Президентимизнинг ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, жойларга замонавий технологияларни олиб кириш борасидаги ташаббуслари, қабул қилинган муҳим ҳужжатлар бошқа кўплаб тадбиркорлар қатори «Изза Сервис» жамоасига ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди. Масалан, ўтган йили Хитой ишбилармонлари билан истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган дастгоҳлар олиб келинди. Тўғри, бундай катта кўламдаги ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. «Иш билганга минг танга», деганларидек, ҳар қандай жамоада аввало соғлом муҳит, ишчанлик кайфияти, ташаббускорлик қўллаб-қувватланса, ютуқлар ҳам кўпаяверар экан. Оддий мисол: «Изза сервис» МЧЖда хориждан олиб келинган янги технологиялар тўла қувват билан ишга туширилгач, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабгорлар кўпайди. Албатта, шундай бўлгач, ишчиларнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ҳам аста-секин ошиб борди. Бу эса оилалар моддий таъминотининг ошишига ҳам хизмат қилаётир.

Айни пайтда «Изза Сервис» ёрлиғи билан сотувга чиқарилаётган, девор ва шифтларни қоплашга мўлжалланган пенопласт маҳсулоти хорижникидан сира қолишмайди. Аксинча, афзал жиҳатлари ҳам кўп. Масалан, уйда электр энергиясини тежаш, хона ҳароратини мўътадиллаштириб туришга ҳам хизмат қилади. Корхона маҳсулоти музлаткичларда ҳароратни бир хил сақлаш ҳамда поезд вагонлари қопламаларида ҳам асқотмоқда. Шу боис бугунги кунда республикамиздаги музлаткич ишлаб чиқариш корхоналари ва темир йўл деполари «Изза Сервис» маҳсулотлари учун буюртмалар бераяпти. Гарчи орадан ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, корхонанинг шу маҳсулоти истеъмол бозорида ўз ўрнини топди. Муҳими, 10 та янги иш ўрни яратилди.





— Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий салоҳиятини унинг ер ости ва ер усти бойликлари, жумладан, шу ҳудуддаги одамлар моддий неъматлардан қай даражада фойдаланаётгани билан ўлчанади. Шу ўринда, «дарёдан томчи» деганларидек, бизнинг корхонамиз ҳам бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қурилиш ашёлари турларини янада кўпайтиришга интилмоқда. Яна бир эътироф этса арзигулик томони, жамоамизда имкони борича ишчи ўринлари сонини 35 тага етказиш чора-тадбирларини кўраяпмиз, — **дейди «Изза Сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Равшан ҚОСИМОВ.** — Уларни янги мутахассисликларга ихтисослаштириш ва мослаштириш учун ҳам тегишли корхона мутасаддилари билан истиқболли шартномалар тузиб олинган. Асосий мақсадимиз — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш. Халқаро бозорга ўз маҳсулотларимизни сотишни режалаштираяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, «Изза сервис» корхонаси истиқлол меваси сифатида тилга тушди, кучли рақобатга асосланган истеъмол бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун изчил ҳаракат қилмоқда.

**Зафарбек ОМОНТУРСУНОВ, «Оила ва жамият» мухбири. (t)**

# «НАФОСАТ»ГА ОШНО ЁШЛАР

*ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА*

«Болалар, бугун биз коллежимиз ҳовлисига кираверишда жойида олтита айлана шаклидаги гулзор барпо этишимиз керак. Қайси гуруҳнинг гулзори ўзига хос чиқса, махсус соврин бор». Коллежнинг «Нафосат» гуруҳи раҳбари Наргиза Санаева дарсдан кейин ҳовлига йиғилиб навбатдаги топшириқни кутиб турган йигит-қизларга шу сўзларни айтиши билан улар ишга киришиб кетишди.

— «Нафосат» гуруҳининг ташкил этилиши нафақат коллежимизнинг кенг ва ёруғ синф хоналарига, лабораторияларига, балки бутун ҳудудимизга баҳорий кайфият ва кўтаринкилик олиб кирди, — **дейди Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори Икром РАВШАНОВ**. – Гуруҳ аъзоси бўлган ўқувчиларимиз ҳар куни бино ичи ва ташқарисидаги озодаликни назорат қилиб боришади, хоналарда гуллар ўстириш, ўзларига ажратиб берилган ҳудудларда гул ва дарахт кўчатлари экиш борасида мусобақалашадилар.

Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодиёт коллежида 978 нафар ўқувчи ҳуқуқ ва хўжалик, бошланғич таълим ва компьютер, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, иқтисодиёт бўлимларида 9 та йўналиш бўйича таълим олмоқда. Қизларсора Келдибекова, Эльмира Мусина, Дилафрўз Абдулқосимова, Нигора Ботирова, Шаҳноза Норматова, Озода Ҳасанова ва бошқа юқори малакали, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи-мураббийлар ёшларга таълим-тарбия бериб келишяпти. Коллежнинг ахборот-ресурс маркази 6500 нусхадаги китоб захирасига эга бўлиб, унинг икки ярим мингини бадиий адабиётлар, қолганини эса дарсликлар, ўқув-услубий ва илмий рисолалар ташкил қилади…

Қуёш уфққа бош қўяр экан, «Нафосат»чилар ҳам ўзлари таҳсил олаётган масканни обод қилиш йўлидаги яна бир иш кунига якун ясашди. Йигит-қизлар ўз қўллари билан эккан гул ва дарахт кўчатларини меҳр билан кузатиб, эртага коллежлари бугунгидан ҳам обод ва кўркам бўлишини, бунда ўзларининг ҳам ҳиссалари борлигини ҳис қилиб қалблари ғурурга тўлди.

**Матлуба ИСРОИЛОВА, Жиззах вилояти Ғаллаорол ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.**

## Тошкент Тиббиёт Академияси 3-клиникасига қарашли
# МАСЛАҲАТ ПОЛИКЛИНИКАСИГА МАРҲАМАТ!

Маслаҳат берувчи поликлиникада — меъда, ичак, жигар, ўт қопи, асаб тизими, меъда ости бези, эндокрин безлари, жарроҳлик, қулоқ, бурун, томоқ, эркаклар ва аёллар жинсий аъзолари хасталиклари, бепуштлик, тери ва таносил, кўз, юрак, қон-томир, бўғим касалликлари билан оғриган беморларга тиббиёт фан номзодлари ва олий тоифали шифокорлар томонидан ташхис қўйилиб, даволаш ва профилактик хизмат кўрсатилади.

Хусусан, гастроэнтеролог, эндокринолог, жарроҳ, лор, гинеколог, дерматолог, окулист, уролог, кардиолог, ревматолог, невролог, УЗС шифокори, лаборант шифокорлари сизнининг тезда тузалиб кетишингизга мададкор бўлишади.

Поликлиникада УЗС, ЭКГ, компьютер томограф, МРТ компьютер томограф, ЭГДФС, ректорамоноскопия, колонофиброскопия, ирригография, рентгенологик текширувлар, сийдик, қон, клиник ва биохимик таҳлиллар ўтказилади.

Беморлар хўжалик ҳисобидан, имтиёзли ордери бор беморлар бюджет ҳисобидан тиббий текширувдан ўтади. Беморларнинг хоҳиш-эҳтиёжига қараб, клиникада стационар шароитда ётиб даволанишади ёки яшаш жойида даволанишга кўрсатмалар берилади.

**Иш вақти эрталаб соат 8⁰⁰дан 13³⁰ гача.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт-103 (Эски ТошМИ ҳудудида жойлашган).**
**Тел.: 289-43-98, 289-41-62.**



## ELIZA
**Азиз қизларжон! Висол оқшомингиз куни бетакрор гўзалликка эга бўлишни истайсизми?**






**Eliza либослари сизни орзуларингиз сари етаклайди.**

**Харид қилган ҳар бир либосингизга «Келин салом» маросими учун яна бир кўйлак, куёв тўни бепул қўшиб берилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 8-уй, 4-хонадон.**
**Телефон (+99871)245-21-44, (+99890)349-90-09**





## ТАҚВОЛИ УСУЛДА:
- Озиш (натижа уч кунда);
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Семириш, мушакларни чиқариш;
- Бўй ўстириш;
- Юзни жарроҳлик амалиётисиз ёшартириш;
- Ажин, доғ, хуснбузар муаммоси;
- Ёш болаларда иммунитетни ошириш;
- Бўғимдаги тузлар муаммосидан самарали даволанади.

**Мурожаат учун телефон:**
**(+99897) 405-52-21 Феруза**
**Маҳсулот сертификатланган: 0738046**



## Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри
# табиб ХУРСАНД АЛИ



**табобат хизматини таклиф этади:**

· Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қора талоқ касалликлари;
· Бепуштлик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата бези шамоллаши;
· Буйракдаги тошларни тушириш;
· Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
· Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;
· Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
· Бўқоқ касаллигининг ҳар қандай тури шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

**Манзил: Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) қўрғони.**
**Телефон: (+99897)156-57-31 Лицензия № 95**
**Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.**



## САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

- Парҳезсиз, соғломлашиб озиш (ҳафтасига 5 кг. гача);
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Соғломлаштириб, семириш (5-30 кг гача);
- Иммунитет, бўй ўстириш (5-25 см);
- Юзни оқартириш, таранглаштириб, ёшартириш; (ажин, қора доғ, ҳусунбузар, натижа 15 дақиқада);
- Жигар, ўт қопи, буйрак муаммолари даволанади.

Телефон: (+99897) 330-50-47
Маҳсулот сетификатланган №0738046





## «НОЗИМАХОН-МУАЗЗАМ»
## («Умидахон-Муаззам» МЧЖ) тиббиёт маркази

Беморларга ушбу малакали мутахассислар ёрдамини таклиф этади: лор, гинеколог, болалар гинекологи, уролог, кардиолог, окулист, эндокринолог, гастроэнтеролог, невропатолог;

массаж, иглотерапия, лазеротерапия, УЗИ, ЭКГ.

Беморлар уй шароитида ҳам мутахассис ёрдамини олишлари мумкин. Боғлаш материллари ва медицина асбоблари стериллиги кафолатланган.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни 50 фоиз чегирма.

**Манзил: Қўйлиқ даҳаси, Фарғона йўли-505.**
**Почта бекати.**
**Тел: 290-21-05, 131-36-86. Лицензия № 5722-тиб**







## ЭРТАЛАБКИ ТАҚВОЛИ НОНУШТА АСОСИДА:

- Сурункали қабзият;
- Асабийлик;
- Соғломлашиб, табиий семириш;
- Қорин ва сондаги ёғларни йўқотиш;
- Қон томир, ичакларни, бўғимдаги тузларни табиий тозалаш;
- Ойига 5—15 кг.гача озиш;
- 3 ойда 10 ёшга яшариш;
- Болалар муаммолари;
- Қоннинг шакар миқдори ва босимини меъёрлаш;
- Юзни оқартириб, жарроҳлик амалиётисиз ёшартириш (ажин ва доғлар);
- Италия, Франция ҳамда Америкадан келтирилган табиий маҳсулотлар.

**Мурожаат учун телефон: (+99897) 710-03-11**
**Халқаро тоифали WELLNES тренер Лола Қаландарова**
**Маҳсулот сертификатланган. №0738045**


### Муҳтарам Муртазо Султонович!



Сизни 7 май таваллуд топган кунингиз, мучал ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман. Оила аъзоларингизга ҳамиша бош бўлиб юринг.

**TRAKTTRANS МЧЖ автожамланмаси**
**бош директори Сотволди Мирза.**
**Тошкент шаҳри**

### Қадрли устозимиз Муртазо ака!

Табаррук умрингизнинг қутлуғ 73-баҳори муборак бўлсин! Сизга сиҳат - саломатлик, узоқ умр, оилангизда, дўст-қадрдонлар даврасида ҳар доим азизу мукаррам бўлиб юришингизни Оллоҳдан тилаб қоламиз.

**Ҳурмат ва эҳтиром билан шогирдларингиз Улуғбек Абдуллаев, Муртазо Раҳматов, Ҳамидулла Йўлдошев, Ҳусанбой Зияев ва бошқалар.**

### Ҳурматли Ойдиной Йўлдошева!



Сизни 14 май таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ёш авлод тарбияси йўлидаги ишингизга муваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳурмат билан оила аъзоларингиз.**
**Қашқадарё вилояти**
**Яккабоғ тумани.**

МУЛОҲАЗА

# ҚАНДАЙ СУЯСИЗ?

— Бир сафар бодроқ пишираётганимизда ғалвирни куйдирганмиз, — дея эслайди эллик ёшлардаги аёл. — Бошқа сафар эса онамнинг бувиларидан мерос қозонини тешиб қўйгандик. Ўзиям жуда ўйинқароқ ва шўх эдик-да болалигимизда. Лекин у киши ҳеч қачон бизни уриб, қарғамас, фақат жаҳли чиққанида «уйинг буғдойга тўлгурлар», «бўйинг узайгурлар», «кўпайиб кетгурлар», эркалаганда эса «бўйларингдан ўзим ўргилай», «бўйларингга бўй тумор», «чироқ ёқарим», «қароққинам», «ортда қоларларим », дер эдилар.

Бу сўзларни мароқ билан тинглар эканман, айни пайтда баъзиларнинг боласини қандай суйиб эркалаши-ю уришишлари кўз ўнгимдан ўта бошлади:

— Ҳой ярамас, нега кўчада копток тепиб юрибсан, уйда иш йўқми? Ҳали қараб тур, оёқларингни синдирмасам юрган эканман!..

Ўртоқлари билан футбол ўйнаётган бола онасининг бу гапларидан қўрққаниданми ёки кўпчилик олдида дашном эшитганига изза тортибми, ҳар ҳолда чеккага чиқди.



Қўшни ҳовлидаги бақир-чақир ҳам қулоқни қоматга келтиргудек авжида:

— Қиз ўлгур, ергина ютгур, телевизорга бақраявермай, ўлиб қолармидинг, айтган ишларимни қилиб ўтирсанг? Ҳаҳ, бўйинг чўзилмай ўл, мирза терак!

Бундай гаплар баъзи оилаларда одатий ҳолга айланганидек, кейинги пайтда баъзи хонадонларда суйиб эркалашлар ҳам ғалати бўлиб бормоқда.

— Ойижон, менга нима олиб келдингиз? — дейди онасига пешвоз чиққан беш ёшли қизалоқ.

— Нима ҳам обкелардим сенга «сассиқча»?

— Кеча рангли қалам айтувдим-ку?

— Вой, гаранг онанг эсидан чиқарибди-ку! «Қўзиқорин» қаерда?

— Компьютерхонага кетди...

Қизчанинг бу жавобидан катта ўғли уйдамаслигини билган онанинг жаҳли чиқди-ю, оёғининг тагида ўйнаб юрган уч ёшли кенжасини эркалашга тушди.

— Вой, «галварсим», «овсаргинам», «чўчқа» бўлиб кетибсан-ку? Аҳволингга қара. Ўнта ит яласа тўяди-я. Башараганг қурсин, сен «кана»ни. Намунча ёпишқоқ бўлмасанг.

Қаранг, булар суйиб эркалашнома бўлса-да, маъно жиҳатидан қўполлик, маданиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Наҳотки, шундай сўзларни ишлатмасдан ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этиш мумкин бўлмаса? Аслида мумкин, аммо хориж ва Европа фильмлари таъсиридами, мана, яна бир эркалаш-суйиш турлари ҳам одатий ҳолга айланиб бормоқда.

— Бозорга бирровгина кириб ўтамиз-а? — дейди автобусда кетаётган ёшгина аёл дугонасига.

— Нега?

— Анови «Жумонгчам»га баҳорги туфли олмоқчийдим.

— Майли, мениям «Боксилим»га сумка керак эди, танлашарсиз.

Сездимки, гап улар ғалатироқ ном билан суйиб эркалаётган ўғил-қизлари ҳақида боряпти. Айниқса, баъзиларнинг худди европаликларга ўхшаб «мушукчам», «тулкигинам», «ҳўкизим» деган ниҳоятда қўпол сўзлар билан суйишини айтмайсизми? Нима бу, маданият белгисими?

Энди ўйлаб кўринг: болага танбеҳ берганда «бўйнинг узилгур» деган афзалми ёки «бўйгинанг чўзилгур» дейиш? Умуман, сиз болангизни қандай суйиб эркалайсиз-у, қандай уришасиз?

Ҳар ҳолда, «асалим», «дўмбоғим», «шириним», «қувончим» деб суйиш ёхуд «кўпайгур», «оғзингга палов», «яшшагур» сингари момоларимиздан мерос бўлиб қолган сўзларни ишлатсак, фарзандлар руҳияти-ю келажагига ижобий таъсир этармиди?

**Шаҳзода АКБАРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири**

# “ЎЗИ ТУЗАЛИБ КЕТАРМИКАН?”

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

**Ўғлим бир ярим ёшда. Шўх ва ўйинқароқ. Бир жойда ўтиролмайди. Лекин пешоб чиқаргиси келса, йиғлагудек аҳволга тушади. Баъзан олатининг бошчаси қизариб, яллиғланади. Оилавий шифохонага кўрсатсам, “Ҳечқиси йўқ, ёш болаларда бундай ҳолат учраб туради, ўтиб кетади”, дейишди. Гоҳида қийналаётганини кўриб, эзиламан. Нима қилсак бўлади?**

**Б. МУҲАМЕДОВА,**
**Чирчиқ шаҳри».**

## DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод Эргашев жавоб беради:



— Тиббиёт тили билан айтганда, организмдаги ҳар қандай ўзгариш, оддийгина иситмами, оғриқ ё санчиқми, барибир бизларни огоҳликка чорлайдиган ўзига хос “қўнғироқ”. Шундай экан, бир ярим ёшли боланинг йиғлаб пешоб чиқариши бу ўтиб кетадиган оддий ҳолат эмас. Бундай ҳолларга олиб келувчи касалликларнинг тури жуда кўп. Тез-тез учраб турадигани фимоздир. Бунда эркак олатининг чекка кертмак қисми торайиб, сийдик тушаётганида яхши очилмайди. Бу туғма (ёш болаларда 2-3 ёшгача учрайдиган физиологик жараён) ёки орттирилган фимоз турларига бўлинади. Орттирилгани сурункали балонопостит хасталиги оқибатида келиб чиқади (захм ва сўзак касалликлари туфайли ҳам пайдо бўлади).

Белгилари қуйидагича: пешоб етарли миқдорда чиқиб кетмаслиги сабабли чекка кертмак қопчасига тўпланиб, шишади. Лимфа тугунлари йўғонлашади. Баъзан човга оғриқли без келади. Ҳатто, температура ҳам кўтарилиб, ҳолсизланиш рўй беради. Касаллик кучайган сари сийдик чиқариш канали кичрайиб, яллиғланиш пайдо бўлади.

Фимоз билан оғриган болаларда кўпинча сийғоқлик, катталарда эса жинсий масалада муаммолар туғилади. Бундай пайтда ҳеч иккиланмасдан мутахассис шифокорга мурожаат этиш керак.

**Бу борада бизнинг “DOCTOR-D” ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, ёрдам кўрсатилади (тел:+99871-113-00-57).**
**E-mail: hospital@doctord.uz. URL: http://www.doctord.uz** (t)

# ТОМОҚ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

**«Бир йилдан бери томоқ оғриғи, йўтал азоб беради. ҚВПдаги шифокорларга кўрсатсам, укол қилишди, ёзиб берган дори-дармонларини ичдим. Лекин барибир яхши бўлиб кетмаяпти. Энг яхши даво нима?**

**Шербек ЎРОЗОВ.**
**Самарқанд»**

**Ушбу саволга тиббиёт фанлари номзоди Даврон ПАРДАЕВ жавоб беради:**

— Томоқ оғриши билан кечадиган касалликлар жуда кўп. Унинг ҳар бирида алоҳида даво қўлланилади. Ангина (совуқ нарса ейиш, эпидемия)да ютиниш қийинлашади, томоқ оғрийди, ҳарорат кўтарилади. Унда, албатта ичиладиган ёки мушак орасига юбориладиган антибиотик олиш, иммунитетни кўтариб, замбуруғ касалликларининг олдини олиш керак. Маҳаллий даво сифатида номакоб сув, аччиқтош эритилган сув, хлофилип, физиологик эритмалар билан тез-тез томоқ чайиш ҳам ёрдам беради.

Шунингдек, фаликуляр ва бошқа ангина турлари ҳам оғриқ беради. Бунда бодомча безининг устки қисми оқ караш ҳосил қилади. Бу юқумли касаллик саналади ва албатта, мутахассис шифокор ёрдами зарур. Бир йилда 3 ой ва ундан кўп ангина билан оғриш натижасида сурункали тонзиллит келиб чиқиши мумкин. Инфекция ўчоғи вақт ўтгани сайин йирингнинг қонга шимилишига, аъзолар заҳарланиши (ревматизм, миокардид)га олиб келади.

Бўғма касали (дифтерия) ҳам томоқ оғриғи билан кечади. Томоқда озгина караш пайдо бўлиши билан шифокорга кўриниш керак. Уни уй шароитида даволаш мумкин эмас, чунки у юқумли.

Профилактика учун ҳар 6 ойда лор кўригидан ўтиш шарт. Томоғим соғ бўлсин десангиз, меъёрдан ортиқ ширинлик (айниқса, болалар), совуқ нарсалар емасликка ҳаракат қилинг.

**Хотира муқаддас ва мукаррамлиги билан инсон зотини улуғлайди.**

**«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО»**
***бозорлар акциядорлик жамиятлари уюшмаси жамоаси***

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, меҳр-оқибат, эзгуликлар тилайди!**




ўқув маркази МАШРИҚ

| | |
|---|---|
| Муомала ва муроса илми | — 2 ой |
| Тикувчилик | — 3-4 ой |
| Каштачилик (машинкада гул босиш) | — 2 ой |
| Тўй либосларини тикиш | — 2 ой |
| Астарли костюм ва пальто тикиш | — 2 ой |
| Эркаклар шимини тикиш | — 1 ой |
| Бисер ва тошлар билан безатиш | — 2 ой |
| Дизайн яратиш (соҳалар бўйича) | — 2 ой |
| Сунъий гул ясаш | — 2 ой |
| Қандолатчилик | — 2 ой |
| Жаҳон таомлари | — 1 ой |
| Олий торт безатиш | — 1 ой |
| Косметология: | |
| I. Эстетик косметология (бўяниш | — 2 ой |
| II. Вакс — депиляция | — 1 ой |
| Замонавий соч турмаклаш | — 2 ой |
| Массаж | — 2 ой |

МАШЪАЛИ ўқишга таклиф этади

| | |
|---|---|
| Муомала ва мулоқотмандлик психологияси | — 2 ой |
| Оила психологияси ва оилавий муносабатлар | — 2 ой |
| Оила қуриш остонасидагилар учун психология | — 1 ой |
| Бошқарув ва бизнес психологияси | — 2 ой |
| Оналар мактаби (ҳамширалик курси) | — 3 ой |
| Бухгалтерия (тезкор усулда) | — 10 кун |
| Элита пардалари | — 2-3 ой |
| Қўлда тўқиш (каталог бўйича) | — 2 ой |
| Заргарлик | — 6 ой |
| Тил ўргатиш: рус, инглиз, араб, хитой | |

**Якшанба дарслари**

| | |
|---|---|
| 3 ёшдан 7 ёшгача болалар учун рус ва ўзбек мактабга тайёрлаш курслари (талабларга биноан) | — 3-4 ой |

Манзил: Ҳадра майдони, Уйғур кўчаси, 12 уй. Мўлжал: "ROISON" магазини, Мошгабб маҳалласи яқинида. Тел: (+99897) 728-00-63, 471-71-53, 242-73-98

**Автомактаб «Dilanjtali» нодавлат таълим муассасида «В» тоифали ҳайдовчилар тайёрланади. Ўқиш муддати уч ой. Тўлов пули — 120000 сўм. Пул ўтказиш нақд ва пластик карточкалар орқали амалга оширилади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 3-мавзе.**
**Телефон: 227-93-83, 119-10-22.**

ТИББИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

# ҚАЛБ ОЙНАСИГА ГАРД ЮҚМАСИН

**2000 йил республикамиз пойтахтида ташкил этилган «SHIFO NUR KO`Z» клиникаси кўп ўтмай кўз касалликларини лазер нури билан даволовчи ўзига хос микрожарроҳлик маркази сифатида эътиборга тушди. Шифохонада, авваламбор, беморларга офтальмологиянинг энг замонавий тиббий ускуналари ва янги усуллар орқали ташхис қўйиш йўлга қўйилди. Шунингдек, клиника — офтальмолог-магистрантлар тайёрловчи маскан сифатида ҳам ном қозонди. Марказ мутахассислари Москванинг С.Федоров номидаги «Кўз микрожарроҳлиги» тармоқлараро илмий-техник мажмуаси ва Европанинг илғор офтальмологик масканларида малака ошириб, халқаро анжуманларда ўз иқтидорларини намойиш этишди. 2007 йили клиникада «Болалар кўз жарроҳлиги бўлими»нинг очилиши ҳам ана шу изланишлар самараси бўлди, десак янглишмаймиз. 2008 йили эса «SHIFO NUR KO`Z»да ўтказилган «Офтальмология технологиясидаги ўзгаришлар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманга Марказий Осиё, Россия, Кавказорти, Франция, Германия давлатларидан малакали шифокорлар ташриф буюришди. Меҳмонлар анжуман доирасида марказда ўтказилаётган жарроҳлик жараёнини монитор орқали кузатиб, бу амалиёта ўз муносабатларини, фикр-мулоҳазаларини билдиришди, жамоа эришган ютуқлар эътироф этишди...**

**Албатта, бундай имкониятлар, клиниканинг даволаш тартиб-қоидалари, беморларга яратилган шарт-шароитлар мухлисларимизни ҳам қизиқтириши табиий. Шу боис мазкур клиника иш услуби билан танишинг:**






## ТАШХИС ҚЎЙИШ

«SHIFO NUR KO`Z»да дастлаб беморнинг кўзлари мукаммал текширувдан ўтказилиб, аниқ ташхисланади... Олий тоифали врач- офтальмолог Шарофиддин Низомхўжаевнинг таъкидлашича, бирламчи ташхисда кўзнинг умумий ҳолати тиббий таҳлил қилинади. Кейинги босқичда автокератометрия кўриги беморнинг узоқ ёки яқиндан кўра олиш даражасини аниқлаб беради. Сўнг кўз шоҳ пардасининг қавариқлик радиуси ўлчаниб, ўшанга мос кўзойнак тавсия қилинади. Навбатдаги текширув усули — пневмотонометрия бўлиб, бунда кўз олмаси ички босими атрофлича текширилади. Унинг афзаллик томони шундаки, бевосита алоқада бўлинмагани боис кўрик чоғи бемор кўзи жароҳатланиш ва инфекция тушиш хавфидан юз фоиз ҳимояланади. Кейинги — биомикроскопия усули билан эса кўз туби текширилиб, таҳлилий ташхис қўйилади ва касалликка мос тавсиялар берилади.

Агар мижоз кўзидаги муаммони жарроҳлик йўли билан бартараф этилиши учун сиҳатгоҳга мурожаат қилган бўлса, навбатдаги босқич – ультратовуш хулосалари билан боғлиқ. Бунда, кўз олмасининг ҳажми ўлчаниб, унинг ичи мониторда акс эттирилади. Боиси, катарактада шифокор кўзнинг ички қаватларини аниқ кўриш имконига эга эмас.



Марказда «BAUSCH & LOMB» компаниясининг «Zioptix» ташхислаш асбоби (кератотопограф) мавжуд бўлиб, у шоҳ парданинг олд, орқа юзаси қалинлиги ва қавариқлик радиусини аниқлаб беради. Аберрометр ускунаси билан эса кўз аберрацияси ўлчанади. Кўзнинг нозик хусусиятлари бузилиши натижасида юқори даражали аберрация ҳолати – яқин ёки узоқни кўролмаслик муаммоси вужудга келади. Аберрометр кўзнинг бирор кўрув қисмида етишмовчилик бор-йўқлиги ҳақида хабар қилади. Айримлар кўзойнак таққанда ҳам яхши кўролмасликлари дан шикоят қилишади. Аберрометрия ана шундай вазиятда муаммонинг аниқ сабабини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу ташхисловчи мажмуа кўриш кувватини тезкор меъёрлаштирмоқчи бўлган беморларни жарроҳлик амалиёти учун тайёрлашда жуда асқотади. Бу тиббий ускунанинг республика бўйича фақат «SHIFO NUR KO`Z» клиникасида мавжудлиги — беморларимизнинг омади, албатта. У шоҳ парда касалликлари саналмиш кератоконус, кератоглобусларни дастлабки босқичларида ташхислаш имкониятига ҳам эгадир. Муҳими, бемор у туфайли бир неча соат ичида кўзининг ҳолати хусусида тўлиқ маълумот олишга муваффақ бўлади. Бундан ташқари, мижозлар замонавий тиббий ускуна орқали келажакда кўзларининг ҳолати қай даражада ўзгариб бориши ҳақида ҳам аниқ жавоб оладилар.

Кўздаги патологик ўзгаришлар қанчалик барвақт ташхисланса, омадингиз чопгани шунча. Чунки даволаш самараси касалликнинг аниқланиш муддатига жуда ҳам боғлиқ. Патологик ўзгаришларнинг қайталаш босқичида аниқланиши ҳам касалликнинг кетма-кет уланиб кетувчи занжирини узади ва даво таъсирини оширади.

## ЛАЗЕР НУРИ БИЛАН ДАВОЛАШ

— Бўлимда лазер нури ёрдамида кўз рефракциясини тиклаш, глаукоманин ва кўз тубини даволаш амалиёти ҳам ўтказилади. Эксимер-лазер ускунаси ёрдамида 193 нанометр тўлқинли нур билан буғлангач, шоҳ парда қаватининг маълум қисмлари юпқалашиб, қавариқлиги – фокуси ўзгаради, **— дейди марказ бош шифокори Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВ.** — Эксимер-лазер фақат шоҳ парда соҳасида ишлатилади, кўзнинг бошқа қисмларига тегилмайди ҳамда организмнинг умумий ҳолатига зиён етказмайди. Эксимер-лазернинг таъсир майдони жуда кенг. Бу жарроҳлик ҳаракати жуда аниқлик билан, оғриқсиз, қонсиз 15 дақиқа давом эта-



ди. Реабилитация жараёни — бир кеча-кундуз. Бемор ҳеч нарса бўлмагандай соғлом ҳолда ўз уйига қайтади.

— Кўриш қуввати бузилган одамларнинг кўпчилиги кўзойнак тақишни хоҳламайди. Шунинг учун марказда эксимер-лазер хирургияси билан даволаш усули татбиқ этилиши беморлар учун айни муддао бўлди. Бу борада клиника Марказий Осиёда пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда, — дея ҳикоясини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Ана шу мавқени йўқотмаслик учун юқори малакали шифокорларни тендер асосида ишга оламиз. Шифокорларимиз ўзларига нисбатан ниҳоятда талабчан, доим касбий, илмий ва амалий изланишда. Мунтазам равишда нуфузли конференция ва симпозиумларда иштирок этиб, тиббиётдаги янгиликлардан шифохона амалиётида фойдаланадилар. Офтальмологияда энг муҳим масала — глаукомага эртароқ ташхис қўйишдир. Чунки ўз вақтида даволанмаслик оқибатида касаллик кучайиб, кўз кўриш қобилияти тузалмас ҳолга келиб қолади. Бу кенг тарқалган касаллик кўзи ожизликка олиб келувчи хасталиклар ичида иккинчи ўринда туради. Глаукомада кўз ичи суюқлиги ишлаб чиқариш мувозанати бузилиб, босим ортади. Натижада, кўриш асаб томири ишдан чиқади. Глаукоманинг туғма, бирламчи ва иккиламчи турлари мавжуд. Бирламчи глаукома икки: очиқ ва ёпиқ бурчакли бўлади. Биринчиси хавфли ҳисобланади, чунки кўпинча беморлар касаллик ўтиб кетгандагина шифокорга мурожаат қилишади. Бу касалликда жарроҳлик амалиётининг вазифаси суюқлик айланиши учун янги йўллар очишдан иборатдир. Биздаги даволаш амалиётининг афзал томони шундаки, у тиғсиз усулда амалга оширилади. Лазер хирургияси очиқ бурчакли глаукомада қўлланилади; бунинг учун амбулатория шароитида 10-15 дақиқа кифоя қилади. Кўз туби тўр пардасининг дистрофик ўзгаришлари ғалвирсимон дистрофияси, қандли диабетдаги зарарланиши, жароҳатлар, ёрилиш (йиртилиш)ларни лазер нури билан даволаш мумкин. Амалиёт чоғи тўр парда бутунлиги ва таранглиги сақланади. Бу сингари тиббий амалиётлар илгари фақат Москвада С.Федоров номидаги «Кўз микрожарроҳлиги» илмий-техник мажмуасидагина қилинар эди, айни пайтда шифохонамизда Россия илмий текшириш институтларида малака ошириб келган шифокорларимиз ҳам лазер хирургиясининг моҳир устаси сифатида фаолият юритишмоқда.

## КАТАРАКТА ЎРНИГА ИМПЛАНТАЦИЯ

Кўз микрожарроҳлиги бўлими бошлиғи, олий тоифали офтальмохирург Равшан Мирхолиқов катаракта ва глаукомани даволовчи энг яхши мутахассис сифатида беморларнинг ишончини қозонган. У даставвал клиникадаги чет элнинг «Carl Zeiss» фирмасида ишлаб чиқарилган жарроҳлик микроскопида иш бошлаган. Шифокор янги усул — буғ ёрдамида офтальмохирургия асбобларини стериллаш технологияси ва унинг хавфсизлиги, бир вақтнинг ўзида оптик ҳамда жарроҳлик ускуналарига зиён етказмасдан тозаланишининг беқиёс аҳамиятини исботлади. Канададан келтирилган бу ускуна ҳам фақат «SHIFO NUR KO`Z»дагина мавжуд. Марказдаги энг катта янгиликлардан бири — лазерли факоимульсификация усулидан фойдаланишни йўлга қўйилганидир. Бу усул ёрдамида катаракта муаммоси кичик кесма билан бартараф этилади: кўз ядроси лазер нури билан парчаланади ва сўриб олинади. Афсуски, инсон ҳаётида кўз гавҳарининг хизмат муддати чекланган. Умрнинг иккинчи ярмида у «лойқалана» бошлайди, сув ҳолидан киселсимон кўринишга ўтади. Қирқ ёшдан сўнг кўз мушаклари кенгаймайди ҳам, торaймайди ҳам. Шундан кейин кўз суюқлигининг кимёвий таркиби ўзгариб, ранги ҳам хиралашади. Оқибатда, кўз ичидаги касалланган хира суюқликни олиб ташлаб, ўрнини шаффоф, фойдали кимёвий суюқлик билан тўлдириш лозим бўлади. Бу илмда имплантация деб аталади. Унда кўз гавҳарининг ҳажми компьютер ёрдамида аниқланиб, жарроҳлик йўли билан имплантант жойланади. Амалиёт



оғриқсиз, қонсиз бир неча дақиқа ичида бажарилади.

Марказда 2006 йилдан кўз катарактасига ультратовушли жарроҳлик ҳаракати қўллаб келинади. Клиника шифокорлари юқори частотали ультратовуш ускунаси билан кўз ичини юзлаб миллиметригача текшириш имконига эга.

## БОЛАЛАР КЛИНИКАСИ

Катталардан фарқли равишда болалар кўзи доимий ўсиб боради. Шунинг учун болалардаги кўз касалликлари комплекс, босқичма-босқич даволаш дастурлари орқали бартараф этилади. Чунки касалликни болаликда жарроҳлик амалиётисиз даволаш осон кечади.

**Болалар клиникаси бош врачи, кўз микрохирурги Шоҳида Дадамуҳаммедова бу ҳақда шундай дейди:**

— Бизда 15 ёшгача бўлган болаларнинг туғма патологиялари: глаукома, катаракта, ғилайлик, миопия, астигматизм, кўз яллиғланиши ва жароҳатлари даволанади. Бўлим Гельмгольц номидаги Москва илмий-текшириш институтининг болалар бўлими билан ҳамкорлик қилади. Бемор ташхислашдан сўнг махсус текширувлардан ўтказилади: кўз ўткирлиги, уч ёшдан катталарга авторефрактометрия, биомикроскопия ва кўз туби босими аниқланади. Кейинги кўрсатмаларга кўра жарроҳлик амалиёти бажарилади.

Шунингдек, бу ерда миопия, коллогенопластика, склеропластика (ксеноплант билан) даволаш амалиётлари олиб борилади. Малакали, маҳоратли шифокорлар ғилайликнинг ҳамма тури (вертикал, тўғри, қийшиқ турлари)ни даволаш билан шуғулланадилар.

Бемор бола тўққиз ойлик — бир ёшлик давридан даволай бошланади. Жароҳатдан сўнг ҳам реконструктив жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, кўз тикланади. Асоратлари (қовоқ осилиши ёки қайрилиб қолиши)ни бартараф этишда пластик жарроҳлик усулидан фойдаланилади. Офтальмоонколог рухсати билан кўз ўсмаларига ҳам жарроҳлик амалиёти қўлланилади. Бундай мураккаб, нозик тиббий ҳаракатларни бажариш, албатта, ўз-ўзидан кечмайди. Шоҳида Дадамуҳаммедова ва унинг ҳамкасблари Гельмгольц номидаги илмий текшириш институтига, Москва, Екатеринбург, Санкт-Петербург шаҳарларидаги тиббиёт марказларида, шифохоналарда тез-тез малака ошириб келадилар. «SHIFO NUR KO`Z» маркази офтальмологик ускуналар ишлаб чиқарувчи «ALKON» (Америка), «BAUSCH & LOMB» (Германия), «NAYDIK» (Япония) сингари машҳур компаниялар билан ҳамкорлик қилади. Бу ускуналардан фойдаланиш усуллари бир йил мобайнида шифокорга ўргатилиб, назорат қилинади ва натижалар текширилгандан кейингина фирма унга ишлаш учун лицензия бериш ёки бермасликни ҳал қилади...

Ҳа, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан ҳам беморлар келиб, клиникада даволаниб кетишаётгани марказ нуфузини намоён этиб турибди. «SHIFO NUR KO`Z» 2008 йилдан буён вилоятларда айланиб юриб, беморларга хизмат кўрсатмоқда. Яқинда икки кун давомида Қарши ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, 500 дан ортиқ беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди ва ташхис қўйилди. Бу «SHIFO NUR KO`Z» маркази томонидан аҳолига бепул уюштирилди.

Яхшилик яшайверади, деб бежиз айтишмаган. Инсонга кўз нурини қайтаришдек хайрли ишга қўл урган шифокорларимиз доимо кўнгиллар меҳрожида, элнинг дуоси билан эъзозу эътибордалар.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири. (t)**



## БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР



Фармон ТОШЕВ

# ХИЁНАТГА ТЎЛАНГАН ТОВОН

***(Давоми. Боши ўтган сонларда.)***

— Ориф ака, эҳтимол юзма-юз келсак, бу гапларни айта олмасман. Яхшиси, ҳозир, ёлғиз ўзингиз эшитиб қўя қолинг. Сиз дунёдаги энг разил, пасткаш одамсиз. Бошқа эркакларнинг бахтига зомин бўлган хотинчангиз бир куни сизнинг ҳам бошингизга етади. Номард, кўрнамаксиз. Муҳаббатим, садоқатим, бесамар ўтган умримнинг уволи тутади сизни! Пешона терим эвазига қурган уйингиз буюрмасин, эшитдингизми, илоҳо буюрмасин!

— Алло, Сожида...

Ориф «дуд-дуд»лаб қолган телефон гўшагини ушлаб қотиб қолди. Кўнглида минг хил хаёллар қалашиб кетди. Қайси бирида тўхталишни билмайди. Аслида ҳам унга танлаш учун ўзга йўл йўқ.

* * *

Суд дегани ҳам қизиқ бўларкан. Сожида кўп эшитган бўлса-да, бирор марта бориб кўрмаган. «Жавобгар Ҳикматова, эрингиз ажралиш учун ариза берган, сиз у билан яшашни истайсизми?» деб сўраганида вужуди музлаб кетди.

— Нега мен жавобгар бўлишим керак? Қайси ишим учун жавоб бераман? Анави ифлос жавоб берсин. Айтингчи, шундай номард, нокас билан яшаб бўладими?! Мен тушунмаяпман, нега ҳадеб унинг тарафини оласиз?

— Жавобгар Ҳикматова, агар яна бир бор қўполлик қилсангиз, амалдаги қонунга кўра, жаримага тортаман ёки суд залидан чиқариб юбораман. Саволимга аниқ, лўнда жавоб беришингизни талаб қиламан!

Орага адвокат қўшилди.

—Эрингиз бир ой олдин судга ажрашиш ҳақида ариза берган. Тўрт юз минг бадал тўлаган. Демак, у даъвогар, сиз эса жавобгар, яъни жавоб берувчи ҳисобланасиз.

— Яшамайман у билан. Менга ҳаққи ҳалол қурилган уйимни олиб беринг. Яхшиси, сиз Бувихолни уйдан чиқариб ҳайданг. Қайси қонунга асосан у менинг уйимда, менинг эрим билан яшаб юрибди?!

— Жавобгар Ҳикматова, биз аввал оилангиз тақдирини ҳал қилишимиз керак. Эрингиз яшамайман, ҳақиқий севгимни топдим, хотиним ҳақида Россиядан ёмон гаплар эшитдим, деяпти. Бу ҳақда бир қарорга келгач, кейин мулк масаласига ўтамиз. Қайси аёл ҳақида гапираётганингизни мен тушунмадим. Агар унга даъвонгиз бўлса, марҳамат, судга алоҳида ёзма мурожаат қиласиз, кўриб чиқамиз.

Мерос масаласи жанжалга айланиб кетди. Сожида Россиядан юборган барча пулларининг чипталарини сақлаб қўйган экан. Ориф буни инкор қила олмади. Фақат қурилишга бундан икки ҳисса кўп маблағ сарфлаганман, деди. Судья бу гапига ҳам ҳужжат сўради. У эртага олиб келишини айтди. Суд бошқа кунга қолдирилди.

Адвокат тушдан сўнг судья қабулига кирди. Сожиданинг қийналганини, даъвогар нотўғри йўлга кирганини, бу ҳолатлар ҳисобга олинишини сўради.

— Мен сизни тушунаман, — деди судья. — Очиғи, даъвогарнинг хатти-ҳаракати, асоссиз даъволари фикримни ўзгартираяпти. Аммо, қонунни яхши биласиз, никоҳ даврида юзага келган ҳар қандай мулк эр-хотин ўртасида тенг бўлинади. Сожида ҳовлидан бошқа дарвоза очиб олиб яшайди. Даъвогарни кўндирсак, унга алоҳида уй олиб бериш мумкин. Сиздан битта илтимос бор, жавобгарга айтиб ўтирманг. Очиғи, қўйди-чиқди сал кўпайган. Йил охири. Уч кун қолди. Шу ишни янги йил ҳисобидан кўрсак. Менинг кўрсаткичларимга ҳам таъсир қилмасди. Оилавий ажралишлар сони биттага кўпайса ҳам гап эшитамиз...

Суҳбатдошлар тил топишдилар. Оддий ишорадан бир-бирини тушунди. Аммо улар ўз журъатсизликлари, бефарқликлари туфайли шу лаҳзада бутун бошли оила тақдири устидан ҳукм ўқиганликларини билмасдилар.

* * *

Ўша йили қиш совуқ келди. Тўрт-беш йил ичида Сожида бунақа об-ҳавога кўниккан эди. Аммо ўз юртининг қишига чидай олмади. Унинг танасигина эмас, бутун вужуди яхлаб борарди. Шу сабабли Мавлуда пиширган мастава ҳам, унинг далдаси ҳам аламзада аёлга ҳарорат бера олмади.

— Одам дардини одам олади. Афтиангорингизга бир қаранг, ўн кун ичида кампирга ўхшаб қолдингиз. Ахир, ҳали қирққа тўлганингиз йўқ.

— Сизгаям ортиқча ташвиш бўлдим, дугона. Яхшиям бахтимга сиз учраб қолдингиз. Совуқ кунларда кўчада музлаб ўлиб қолармидим. Аммо нима қилай, бу номардликни ҳазм қила олмаяпман.

— Адвокат айтди, ҳаммаси яхши бўлади. Дарвоқе, бир танишим гапириб қолди. Бувихол сотган уй низоли экан. Судлашиб юрганмиш.

— Илоё, ғурбатнинг ичида қолсин ўша суюқ аёл! Эски товламачилигини қилгандир-да.

— Йўқ, бу гал унинг ўзи тушибди. Уйни бир озарбойжон одамдан олган экан. Бошқа ўғли ва хотини борлигини яширган. Бир ярим йилда хотини қайтиб келибди. Эрининг уйни сотганини билмаган. У олди-сотди шартномасига розилик имзоси қўймаган. Энди суд шартномани бекор қилар эмиш. Озарбойжон эркак дом-дараксиз кетган. Уйни сотиб олганлар Бувихолдан пулни қайтаришни талаб қилишаяпти. «Ким қилмағай, ким топмағай», деб шуни айтадилар-да, дугонажон.

Мавлуда гап мавзусини атайин ўзгартирди.

— Менга қаранг, Сожида. Икки ёрти — бир бутун, дейишади. Қўйиб туринг шу машмашаларни. Икки кундан сўнг Янги йил. Муҳими, соппа-соғмиз. Бир байрам қилайлик. Яқин дугоналаримни чақираман. Ошпазлик ҳунарингизни бир кўрсатинг. Кейин бир гап бўлар...

Мавлуданинг дугоналари жуда яхши аёллар экан. Ҳаммаси муаллима. Гап-сўзлари ҳам маънили. Қўшиқ айтиб ўйнадилар. Сожида пиширган таомларни роса мақтадди.

— Ҳайронман, шунақа мазали, баракали қўл билан бегона юртларида нима қилиб юрибсиз?

— Мен сизга манти қозон қилиб бераман. Манти пишириб сотамиз. Қишда зўр кетади.

Соат ўнларда улар тарқалишди. Ҳаммаси оиласи бағрига кетди. Икки аёл дардлашиб тонг оттирди. Кечаги суҳбатдан кейин Сожиданинг кўнгли бироз ёришди. Ўзининг кимгадир кераклигини, одамлар қатори яшаши мумкинлигини ҳис этди.

— Мавлуда, биласизми, мен сизга дуч келиб, аниқроғи, оқшомги анжуманда умр бўйи излаган самимиятни топганга ўхшайман. Йигирма ёшимдан буён пул учун яшадим. Лекин рўшнолик кўрмадим. Энди ўзим учун яшамоқчиман. Рози бўлсангиз, умримнинг охиригача сиз билан яшайман. Ҳамма хизматингизни қиламан. Қайтиб эрга тегмайман.

— Во, бу хонимнинг гапини қаранг. Ўзингизни бунча ерга урманг. Манаман деган эркак маҳлиё бўлади. Ҳали кўрасиз, шунақа одамга дуч келасизки, бошида кўтариб юради. Ҳамма Орифдек эмас. Муҳаббати пок инсонлар кўп дунёда.

Орифнинг отини эшитиши билан Сожиданинг қовоғи осилди. Қўлидаги чойдан бир ҳўплади-ю, нариги хонага чиқиб кетди. Мавлуда нотўғри иш қилиб қўйганидан изза бўлди. Ўзини идиш-товоқ ювишга урди. Сўнг арзимас баҳона тўқиб кўчага чиқди.

Сожида деразадан оппоқ қор билан қопланган дарахтларга тикилиб турди. Негадир шу тобда хаёлига мунис волидаи муҳтарамаси, падари бузруквори келди. Бир оғиз ёмон сўз айтмай ўстиришди-я. Отасини бориб кўришга юзи чидамади. Лекин суриштирди. Кечаси ҳам борди. Лекин дарвоза олдидан қайтди. Ичишни бутунлай ташлаган, аммо мункиллаб қолган отасига нима дейди? Аниқроғи, вақтида Орифга мажбурлаб узатган қарияни уялтиргиси келмади.

Ишқилиб, умрини, соғлигини берсин. Синглиси ўзи билан ишлайдиган йигитга турмушга чиқибди. Қизчаси бор. Қўшниларнинг айтишича, яхши йигит экан. Ҳовлини, кўча томонни чиройли таъмирдан чиқарибди.

Умуман, қишлоқ файзли кўринди кўзига. Катта, чиройли иморатлар қурилибди. Йўлларга ёритгичлар қўйилган. Ҳаммаёқ дўкон. Демак, сенсиз ҳам ҳаёт давом этаркан. Сенсиз ҳам одамлар яхши яшайвераркан. Фақат... сени эслашармикан? Ким эслайди сени, бадном бўлган аёл?!

Эшикнинг тақиллаши унинг хаёлини бўлиб юборди. Дугонасига пешвоз чиқди:

— Э-ҳе, дугона, нима бало, тўй қилмоқчимисиз? Уйда ҳамма нарса бор-ку!

— Тўй қиламан, Сожида. Тўй қиламан.

— Ундай бўлса, куёвтўра қанилар?

— Ундан ҳам катта тўй, дугон. Нарсаларни жойлаштириб олай, айтиб бераман. Оғзингиз очилиб қолади.

Сожиданинг ичи қизиди. Дарҳол дугонасига ёрдамлашди. Кейин креслога ўтиришди.

— Сиз, Сожида, ўзингизни босинг. Мана бу чойдан бир ҳўплаб олинг.

— Нима гап ўзи, бунча интиқ қилмасангиз.

— Кўчада дув-дув гап. Орифнинг уйи ёниб кетибди. Ўт ўчирувчи машиналар ўша ёққа кетаяпти.

— Нега, янги уй қандай ёнади?

— Кеча уларнинг маҳалласида газ ҳам, чироқ ҳам бўлмаган. Ориф қаердандир двигатель топиб келибди. «Замыкание» бўлиб, айвон, ертўлага ўт кетган. Кайф устида Ориф ҳам, Бувихол ҳам ёнғинни сезишмаган. Ётган бўлишса керак-да, чиқишга улгура олишмабди иккаласи ҳам...

Сожида гапнинг у ёғини эшитмади. Ранги оқариб кетди. Карахт бўлиб қолди. «Уй... Ориф... бўлам... ё алҳазар, ё алҳазар», деди-ю, ҳушидан кетди.

Тақдир Орифнинг устидан судьядан олдин ўз ҳукмини чиқариб бўлганди. Бу мерос низосини ҳал қилишга адвокатнинг ҳам кераги бўлмай қолди.

***Тамом***

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**Қўй (21.03 – 20.04)**

Бирор ишга киришишдан олдин «Етти ўлчаб, бир кес» ўгитига амал қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Муаммоларингизни ўзингиз ҳал этишга ҳаракат қилинг.

**Бузоқ (21.04 – 21.05)**

Барча имкониятларни ишга солиб, диққатингизни мавжуд қийинчиликларга қаратсангиз, уларни албатта бартараф эта оласиз. Тушкунликка тушмасдан, ўйлаган режаларингизни амалга оширинг. Шундагина ташвишлардан қутулишингиз мумкин.

**Эгизаклар (22.05 – 21.06)**

Ташкилий масалаларда муҳим қарорлар қабул қилиш учун омадли ҳафта. Бунинг учун сизни танқид қилишларини истамасангиз, жўялироқ бирор таклиф киритинг. Ўзингизга бўлган ишончни сусайтирманг.

**Қисқичбақа (22.06 – 22.07)**

Ҳафта сиз учун қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Ўзингизни ҳар доимгидан-да хотиржам ҳис қиласиз. Шахсий масалаларга келсак, тақдирингиз ўз қўлингиздалигини унутмасангиз бўлди. Ҳафта охирида оилангиз ёки дўстларингиз билан дам олишга чиқинг.

**Арслон (23.07 – 23.08)**

Бурж вакиллари атрофдагиларнинг эътиборини ўзига қаратишга ҳаракат қилади ва бунга эришади. Лекин бу яқинларингизда илиқ фикр уйғотмайди. Бирор бир ишни бошладингизми, уни албатта ниҳоясига етказинг. Ўйламай қилинган харажат чўнтагингизга зарар келтиради.

**Сунбула (22.08 – 22.09)**

Ҳафта кутилмаган воқеаларга бой бўлади. Сизни танқид қилишса эътибор берманг. Муҳими — ўзингизни назорат қила билиш. Муаммоларингиз ҳақида обдон ўйлаб кўринг. Шуни унутмангки, имкониятларингиз жуда кўп. Фақат уларни пайқай олсангиз, бас.

**Тарози (23.09 – 22.10)**

Бу ҳафта сизни кичик муаммолар безовта қилиши мумкин. Лекин кайфиятни туширманг. Ҳар бир қадамингизни ишонч ва фақат яхши ният билан ташланг. Шундагина натижага эришасиз.

**Чаён (23.10 – 22.11)**

Ҳафта анча ёқимли келади. Шу кунларда уйдагилар билан алоқани яхшилаб олсангиз, турмуш қурсангиз, айни муддао. Одамлар билан самимий бўлишга ва имижингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

**Ўқотар (23.11 – 21.12)**

Сизни қийинчиликлар бироз безовта қилади. Шунинг учун кичик хатоларга ҳам эътиборсиз бўлманг. Бироқ ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳафта сўнгига келиб шахсий муаммоларингизни ижобий ҳал қиласиз, ҳатто мўмай даромад ҳам келиши мумкин.

**Тоғ эчкиси (22.12 – 20.01)**

Юлдузлар сизга танлаган йўлингиздан тўхтамай, фақат «олға қадам ташлашни айтмоқда». Муаммоларингиз ҳақида эса яқинларингиз билан маслаҳатлашганингиз маъқул. Чунки фақат битта фикрда қотиб қолмай, бошқаларнинг ҳам таклифини инобатга олсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

**Қовға (21.01 – 19.02)**

Уқувсизлик билан қилинган кетма-кет ножўя ҳаракат ишингизга ва шахсий муносабатларингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Воқеа-ҳодисаларга тўғри баҳо беринг. Ҳаётингизни ўзингиз орзу қилгандек ўзгартиришга уриниб кўринг.

**Балиқ (20.02 – 20.03)**

Ушбу ҳафта балиқ буржи вакилларига хизмат пиллапояларида юқорилаш учун имконият туғилади. Бундай омадни қўлдан бой берманг. Ўйлаб ўтирмай, ишга киришинг. Ахир, ҳаракатда барака, деб бежиз айтишмаган-ку. Демак, олға!

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА тайёрлади.**

# ЭРКАЛАТСА ОНАСИ...

ОЙНА

Бир куни трамвайга чиққанимда малла сочли ўзбек аёлининг оғзидан чиқаётган гаплардан ҳайрон қолдим. У йўл бўйи боласига тинимсиз бақириб, ўшқириб келди. Йўловчилардан кимдир «Сингилжон, болани уриб, сўкиб тарбиялаб бўлмайди, яхшиси, эркаланг» дейишса-да, у эътибор ҳам бермади. Энг қизиғи, бундай муомала болакайнинг қулоғига биринчи бор чалинмаётганлиги унинг қуйидаги жавобидан ҳам сезилиб турарди:

— Ойи, сени-чи, ану кондуктор хотин тушириб юборса, яхши бўларди-да!

— Ўчир овозингни... — дея аёл қарғаниб-қарғаниб ўғлининг бошига ура кетди.

9–10 ёшлардаги боланинг онасини сенсираётганини эшитиб, қотиб қолдим. Аёл эса бунга бепарво эди. Рўпарамдаги йигитлар эса пичирлаб кулишди:

— Шундайи тушиб қолса борми... урди Худо!

Ҳа, уларнинг бу кесатиғида ҳам жон бор эди. Яна денг, жамоат жойида улар ўзларини шу даражада қўпол тутяптики, энди оиладаги аҳволни тасаввур қилаверинг.



Доно халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», — деб бежизга айтмаган. Ҳали ёш, ғўр болакайни бирданига оқлаш ёки қоралашга шошилмайлик. Лекин фарзанди тарбиясига бефарқ, ҳатто ўзи тарбияга муҳтож онани қандай оқлаш мумкин?

Балки бу арзимас воқеа ким учундир оддий бўлиб туюлаётгандир. Лекин «Бола меники, хоҳласам ураман, хоҳласам сўкаман» дейдиган эркак ҳам, аёл ҳам катта хатога йўл қўяди. Чунки «Қовун қовундан ранг» олмаслиги сизу бизнинг қўлимизда эканлигини наҳот эсдан чиқараяпмиз? Негаки, ҳар қандай шароитда ҳам фарзанд тарбиясида вақтни бой бериш, эътиборсизлик, адашиш эртага жуда қимматга тушади.

**Гулнисо САЙДАЛИЕВА**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




* * *

«Қизим Хосиятни Жамшидга унаштирганимиздаёқ бўлғуси куёв ҳақида турли хил миш-мишлар айланиб қолганди. Дўст-душман бўлади-да, дея эътибор бермадик. Тўйлари бўлиб ўтгач, дастлаб бахтли яшашди. Жамшид савдо билан шуғулланар, ҳали у шаҳарга, ҳали бу шаҳарга қатнарди. Қайнота-қайнонаси ҳам кўнглига қараб, қизимнинг ҳурматини жойига қўйишди. Ҳатто машина ҳам олиб беришди.

Афсус, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деганлари рост экан. Куёвимиз қизим ҳомиладор бўлгач, бирданига ўзгариб қолди. Йўқ жойдан жанжал чиқарадиган одат чиқарди. Суриштириб билсак, Жамшид қизимиздан олдин эридан ажрашган бир аёлга уйланган экан. Бу кўнгилсиз воқеадан сўнг қизим ҳомиласидан ажралди. Улар охири қонуний ажрашишди. Хосиятнинг **ёши 32 да.** Маълумоти олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Ёшига мос, тақдири ўзига ўхшаш инсон учраса, узатмоқчимиз.

**РАЙҲОН хола,**
**Тошкент шаҳри».**

* * *

«...Ўшанда ўнг оёғим оғир лат еб, салкам бир ой касалхонада ётиб чиқдим. Машҳура ҳамшира эди, кунора навбатчиликда турарди. Унинг меҳрибонлиги, хушмуомаласи, жилмайиб қарашлари мени асир этганди. У келмаган кун палатада ҳаво етишмаётгандай, ўзимни қўярга жой тополмасдим. Ниҳоят, дардимни акамга айтдим. Акам эртасигаёқ ота-онамни бошлаб келиб, Машҳурани кўришди. Уларга ҳам маъқул бўлди. Отам «Онанг бечора бутун маҳалламизнинг қизини суриштириб чиқди-ёв, сен вақтлироқ касалхонага тушишинг керак экан-да, ё бу бир баҳонами-а?» дея ҳазиллашди. Даволаниб чиқишим биланоқ тўйни бошлаб юбордик. Машҳура уддабурон, уй юмушларини жойига қўярди. Онам қўни-қўшниларга мақтаб чарчамасди. Уч фарзандли бўлдик. Лекин минг афсуски, у бедаво дардга йўликди. Сўнгги нафасигача ёнидан жилмадим. Беш йилки, ёлғиз қизимнинг фарзандларини ўзим узатаман, уйлантираман, деб қайнонам ҳам оёқ тираб олган. Мен ҳам уларни ташлаб қўйганим йўқ. **Ёшим 43 да.** Маълумотим ўрта махсус. Ёшимга мос, уйим-жойим дейдиган, меҳрибон аёл билан тақдиримни боғлаш ниятидаман.

**АНВАР,**
**Тошкент шаҳри».**

* * *

«Ўғлим билан келиним ҳеч чиқишолмай, ажрашиб кетишганди. Қизнинг онаси бўлса таниган-билганга «Қизимни қайнсинглиси сиғдирмади», деб гап-сўз қилишдан чарчамасди. Қизимиз Гулнорага эса кўп совчилар келарди-ю, кейин негадир қайтиб сўрамас эди. Ҳатто шу орада бир йигитга унаштирдик ҳам. Афсуски кутилмаганда, фотиҳаси бузилди. Онаси иккимиз шу қизимизнинг келажаги, тақдирини ўйлаб ҳаловатимизни йўқотгандик. Бир куни жияним «Оила ва жамият» газетасини олиб келди. Унда ўз тенгини топган йигит ҳақида ёзилган экан. Эртасигаёқ онаси қизим таҳририятга боришса, хотини қазо қилган Рашид деган йигитнинг телефон рақамини беришди. Унинг маҳалласига, ишхонасига бориб, ўзим сўраб-суриштирдим. Икки томон ҳам бир-биримизга маъқул бўлдик. Рисоладагидек тўй қилдик. Куёвим хушмуомалали, одобли, меҳнаткаш йигит экан. Улар бахтли. Сизларни бир умр дуо қиламан.

**НАЗРУЛЛА ота,**
**Тошкент вилояти».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда малакали шифокорлар — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологи, шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга, даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:**

Ўқишга қабул ҳар куни

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамшира** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Ҳамшира** (тезкор) — 3 ой.
**Тиббий массаж** — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар** — 2 ой (амалиёти билан).
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой (амалиёти билан).
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой (амалиёт билан).
**Педикюр, маникюр** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 3 ой (амалиёти билан).
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Элита парда ва чойшаблар олий курси** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
**Каштачилик** — 3 ой (машинкада вишивка).
**Тўқувчилик** — 2 ой.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади.** ■ **Ётоқхона мавжуд.**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.**



**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси**

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел/факс) 233–28–20**
**Мухбирлар: 234–25–46**
**Котибият: 233–04–35**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: Олой бозори ёнида**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 432. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 11086
Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Феруза РАҲМОНҚУЛОВА**

**ISSN 2010–7609**   1 2 3 4 5